

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**15-сон**  
**(1191)**  
**2025 йил**  
**апрель**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

141. «Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 9 апрелдаги ЎРҚ–1053-сон Қонуни
142. «Қонунлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш ва кўриб чиқиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 10 апрелдаги ЎРҚ–1054-сон Қонуни
143. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга ҳамда жамоат транспортдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қа-

ратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 10 апрелдаги ЎРҚ–1055-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

144. «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда қайта ишлаш занжирини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 апрелдаги ПҚ–136-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

145. «Талабгорларни архив ҳужжатларини тартибга келтиришга компетентлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 апрелдаги 208-сон қарори
146. «2025 — 2030 йилларда давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 апрелдаги 210-сон қарори
147. «Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг инсон ресурсларини бошқариш бўйича фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 9 апрелдаги 212-сон қарори
148. «Замонавий биржа механизмларини жорий этиш орқали биржа савдоларида нархлар ўзгаришининг олдини олишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 апрелдаги 220-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

149. O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining 2025-yil 20-martdagi 01/14-23/35-son “Maydoni 2000 kvadrat metrgacha bo‘lgan bo‘sh turgan davlat ko‘chmas mulk obyektlarini hokim yordamchilarining onlayn-buyurtmanomasiga asosan to‘g‘ridan-to‘g‘ri elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 7-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3372-1*)
150. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 7-martdagi 237-son “Qayta ishlashga berilgan xom ashyo bilan bog‘liq operatsiyalarni buxgalteriya hisobida aks ettirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi

buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 7-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2086-3*)

151. O'zbekiston Respublikasi kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 14-martdagi 5-2029/B-son "Ta'lim muassasalarining o'quv va o'quv-ishlab chiqarish ustaxonalari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarini tasdiqlash haqida"gi buyruqqa o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 7-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2454-2*)
152. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 6-martdagi 234-son "Bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 7-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2773-11*)
153. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2025 йил 19 мартдаги 2-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2025 йил 15 мартдаги 16-сон, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 17 мартдаги 240-сон "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқарolari рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3616*)
154. O'zbekiston Respublikasi kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 27-martdagi 4-2025/B-son "Temir yo'l transporti ta'mirlash tashkilotlari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 9-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2068-3*)
155. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2025 йил 11 мартдаги 1/4/27-393-сон "Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-9*)
156. O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 27-martdagi 13-q/q-son hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 17-martdagi 239-son "Akademik litseylarda imtiyozli ovqatlantirishni tashkil qilish hamda xarajatlarini qisman qoplash uchun ota-onalar to'lovini to'lash tartibi to'g'risidagi nizomning 4-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 11-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2993-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ҚОНУНИ**

**141** Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил  
24 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 21 февралда  
маъқулланган

Бугунги кунда мамлакатимизда оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, уларнинг фаровонлик даражасини ошириш, шунингдек хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ролини кучайтириш учун мустаҳкам асослар яратилган.

Шу билан бирга оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинишини, шу жумладан уларнинг хавфсизлиги кафолатини ҳамда муносиб турмуш шароитларига бўлган ҳуқуқини бундан буён ҳам таъминлаш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига қўшимча киритилиб, унга мувофиқ никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда суд оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахснинг талабига кўра ярашиш учун муҳлат тайинламайди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси норма билан тўлдирилиб, унга биноан турар жойдан фойдаланиш ҳақидаги низолар кўриб чиқиладиганда суд тарафларнинг келишувига асосан турар жой мулкдорининг ташаббусига кўра турар жойга мажбурий тартибда киритилаётган тарафни турар жой мулкдорига тегишли мутаносиб шароитларга эга бўлган бошқа турар жойга киритиш ёки ижарага олинган турар жой учун ижара ҳақини тўлаш мажбуриятини мулкдорнинг зиммасига юклатиши мумкин.

Ушбу Қонун оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини янада кучайтиришга, шунингдек хотин-қизларнинг фаоллигини оширишга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республи-**

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 9 апрелда эълон қилинган.

**касининг Оила кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 8, 469-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 199-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 970-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда, № 5, 316-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда) **40-моддаси** куйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахснинг талабига кўра ярашиш учун муҳлат тайинламайди».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда, № 4, 156-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 365-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 673, 676-моддалар; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 4, 199-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда; 2024 йил, № 8, 830, 831-моддалар) **32-моддасининг саккизинчи қисми** куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Турар жойдан фойдаланиш ҳақидаги низолар кўриб чиқиладиганда суд тарафларнинг келишувига асосан мулкдорнинг ташаббусига кўра турар жойга мажбурий тартибда киритиладиган тарафни мулкдорга тегишли мутаносиб шароитларга эга бўлган бошқа турар жойга киритиш ёки ижарага олинган турар жой учун ижара ҳақини тўлаш мажбуриятини мулкдорнинг зиммасига юклатиши мумкин».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–562-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 9, 587-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 12, 1187-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда) куйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **12-модданинг ўн тўртинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила

ва хотин-қизлар қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **12<sup>1</sup>-модда:**

**номидаги «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси»** деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмининг:**

**биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи хатбошисидаги** «давлат бошқаруви органларига» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 9 апрель,  
ЎРҚ–1053-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### **142 Қонунлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш ва кўриб чиқиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил  
21 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 17 мартда  
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари тизимли равишда такомиллаштирилмоқда. Ҳар томонлама мукамаллаштирилган қонунларнинг қабул қилиниши аҳолининг фаровонлигини ошириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифати янги қонунларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, миллий қонунчиликка, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига мувофиқлигини таъминловчи тартиб-таомиллар ва механизмлар самарадорлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бундан ташқари фуқароларнинг жамоатчилик муҳокамалари жараёнида билдирилган фикрлари ва позицияларини ўрганиш ҳамда инобатга олиш қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда самарали қарорлар қабул қилиниши учун энг муҳим шартдир.

Мазкур Қонун билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги ҳамда «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига қонун лойиҳасини парламентга киритишда қонун лойиҳасининг ва халқаро шартнома лойиҳасининг (матнининг) ўтказилган ҳуқуқий экспертизаси натижаларини, шунингдек қонун лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизаси ва у бўйича ўтказилган жамоатчилик муҳокамаси натижаларини тақдим этиш тўғрисидаги талабнинг белгиланишини назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига ўзи киритган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилингунига қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига таклиф киритиш орқали уни чақариб олиш ҳуқуқини беришнинг ҳуқуқий асоси белгиланмоқда.

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 10 апрелда эълон қилинган.

Ушбу Қонун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти сифатини оширишга, қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 8, 468-модда, № 9, 588-модда, № 12, 884-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 10, 983-модда; 2023 йил, № 12, 1003-модда; 2024 йил, № 2, 10-модда, № 12, 1285-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) **12-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **6 — 10-бандлар** билан тўлдирилсин:

«6) халқаро шартнома лойиҳасининг (матнининг) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган ҳуқуқий экспертизаси натижалари бўйича ушбу вазирликнинг хулосаси — халқаро шартномаларни ратификация қилишни ёки уларга қўшилишни назарда тутувчи қонун лойиҳалари учун;

7) халқаро шартнома лойиҳасининг (матнининг) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлиги нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган ҳуқуқий экспертизаси натижалари бўйича ушбу вазирликнинг хулосаси — халқаро шартномаларни ратификация қилишни ёки уларга қўшилишни назарда тутувчи қонун лойиҳалари учун;

8) қонун лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси натижалари бўйича хулоса;

9) қонун лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш чоғида тўлдирилган чеклист;

10) қонун лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси натижалари тўғрисидаги ахборот (келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилган ҳолда), бундан жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши мажбурий бўлмаган қонун лойиҳалари мустасно»;

2) **15-модда:**

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ўзи киритган қонун лойиҳасини қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси то-

монидан иккинчи ўқишда қабул қилингунига қадар чақириб олиш тўғрисида Қонунчилик палатасига таклиф киритишга ҳақли. Қонун лойиҳасини чақириб олиш тўғрисидаги масала Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилади»;

**ўн тўртинчи — ўн еттинчи қисмлари** тегишинча **ўн бешинчи — ўн саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган «**Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида**»ги ЎРҚ–60-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 537-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 5, 261-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 10, 983-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) **9-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан олдин унинг тайёрланиши ҳақидаги ахборот норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирилади ҳамда жамоатчилик муҳокамалари иштирокчиларидан келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифлар инobatга олинган ҳолда қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади»;

2) **14-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қонун лойиҳасини тайёрлашда тегишли соҳада қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларни қонун даражасида тартибга солиш имконияти кўриб чиқилади ва мазкур ахборот қонун лойиҳасининг тушунтириш хатида кўрсатилади»;

3) **19-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қонун лойиҳасида назарда тутилган хаволаки нормаларни амалга оширишнинг аниқ муддатлари ва масъул ижрочилар қонун лойиҳасининг ўзида белгиланади»;

**тўққизинчи қисми ўнинчи қисм** деб ҳисоблансин;

4) **27-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **6 — 10-бандлар** билан тўлдирилсин:

«6) халқаро шартнома лойиҳасининг (матнининг) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган ҳуқуқий экспертизаси натижалари бўйича ушбу вазирликнинг хулосаси — халқаро шартномаларни ратификация қилишни ёки уларга қўшилишни назарда тутувчи қонун лойиҳалари учун;

7) халқаро шартнома лойиҳасининг (матнининг) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлиги нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган ҳуқуқий экспертизаси натижалари

бўйича ушбу вазирликнинг хулосаси — халқаро шартномаларни ратификация қилишни ёки уларга қўшилишни назарда тутувчи қонун лойиҳалари учун;

8) қонун лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси натижалари бўйича хулоса;

9) қонун лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш чоғида тўлдирилган чеклист;

10) қонун лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси натижалари тўғрисидаги ахборот (келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилган ҳолда), бундан жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши шарт бўлмаган қонун лойиҳалари мустасно».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–682-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 288-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 8, 788-модда, № 10, 983-модда; 2023 йил, № 8, 629-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда, № 10, 1076-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

**1) 21-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишдан олдин унинг тайёрланиши ҳақидаги ахборот норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирилади ҳамда жамоатчилик муҳокамалари иштирокчиларидан келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифлар инobatга олинган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилади»;

**иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари** тегишинча **учинчи, тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**2) 35-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қонун кучга кирган кундан эътиборан беш йил ўтгач, масъул давлат органларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўмиталарининг ташаббусига кўра қонуннинг самарадорлигини, унда белгиланган мақсадга ва кутилаётган натижаларга эришилганлигини аниқлаш учун қонуннинг тартибга солиш таъсири баҳолашдан ўтказилиши мумкин. Мазкур жараёнга фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотлар ҳам жалб этилиши мумкин»;

**учинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**3) 46-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқиладиганда унинг асосида ҳамда уни ижро этиш учун қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хатловдан ўтказилади ва уларни ҳам ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақидаги масала кўриб чиқилади»;

4) илованинг:

**29-банди:**

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қабул қилинаётган қонунда назарда тутилган ҳаволаки нормаларни амалга оширишнинг аниқ муддатлари ва масъул ижрочилари»;

**еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилари** тегишинча **саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**84-банди:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қонун лойиҳасини тайёрлашда тегишли соҳада қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларни қонун даражасида тартибга солиш имконияти кўриб чиқилганлиги тўғрисидаги ахборот»;

**бешинчи — ўн тўртинчи хатбошилари** тегишинча **олтинчи — ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 10 апрель,  
ЎРҚ–1054-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ҚОНУНИ**143** Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга ҳамда жамоат транспортдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил  
14 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 17 мартда  
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати қоидаларини янада такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини тротуарлардан, пиёдалар йўлкаларидан, велосипед йўлкаларидан ва яшил майдонлардан юргизганлиги, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатига тўсқинлик қилувчи ноқонуний тўсиқлар ва бошқа қурилмалар ўрнатилганлиги, шунингдек йўналишли транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаси бор йўлдан бошқа транспорт воситалари ҳаракатланганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгилаш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини тротуарлардан, пиёдалар ва велосипед йўлкаларидан ҳамда уларга туташ ҳудудларда барпо этилган яшил майдонлардан юргизганлиги, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатига тўсқинлик қилувчи ноқонуний тўсиқлар ва бошқа қурилмалар ўрнатилганлиги, шунингдек йўналишли транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаси бор йўлдан транспорт воситалари ҳаракатланганлиги билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга, йўлларда жамоат транспорти ҳаракатланиши учун қўшимча қулайликлар яратилишига хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда,

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 11 апрелда эълон қилинган.

№ 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар) куйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **128-моддасининг номи** ва **диспозицияси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

**«128-модда. Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини тротуарлардан, пиёдалар ва велосипед йўлқаларидан, яшил майдонлардан юргизиши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя этмаслиги**

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини тротуарлардан, пиёдалар йўлқаларидан, велосипед йўлқаларидан, пиёдалар ва велосипед йўлқаларидан, уларга туташ ҳудудларда барпо этилган яшил майдонлардан (бундан махсус автотранспорт воситалари мустасно) юргизиши, йўл белгилари ёки йўлнинг қатнов қисмидаги чизиклар билан белгилаб қўйилган талабларга риоя этмаслиги (бундан ушбу Кодекснинг 128<sup>3</sup>-моддасида, 128<sup>4</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 128<sup>5</sup>, 128<sup>6</sup>, 128<sup>7</sup> ва 130-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно), юк автомобилларида йўлнинг четки чап қаторида ҳаракатланиши (бундан рухсат этилган ҳоллар мустасно), йўналишли транспорт воситалари тўхтайдиган бекатлардан ёки пиёдалар ўтиш жойларидан юриш, ташқи ёритиш асбобларидан фойдаланиш қоидаларини бузиши, худди шунингдек йўловчиларга ёки пиёдаларга лойқа сачратиши»;

2) қўйидаги мазмундаги **128<sup>7</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«128<sup>7</sup>-модда. Йўналишли транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаси бор йўлдан транспорт воситаларининг ҳаракатланиши**

Йўналишли транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаси бор йўлдан транспорт воситаларининг ҳаракатланиши (бундан рухсат этилган ҳоллар мустасно), —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **147-модданинг биринчи қисми** «уларда сунъий нотекикликлар ва тўсиқлар яратиш» деган сўзлардан кейин «шу жумладан йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатига тўсқинлик қилувчи ноқонуний тўсиқларни ва бошқа қурилмаларни ўрнатиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **248-модда:**

**биринчи қисмидаги** «128<sup>6</sup>» рақами «128<sup>6</sup>, 128<sup>7</sup>» рақамлари билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг:**

**5-бандидаги** «128<sup>6</sup>» рақами «128<sup>6</sup>, 128<sup>7</sup>» рақамлари билан алмаштирилсин;

**6-бандидаги** «128<sup>6</sup>» рақами «128<sup>6</sup>, 128<sup>7</sup>» рақамлари билан алмаштирилсин;

**7-бандидаги** «128<sup>4</sup>» рақами «128<sup>4</sup>, 128<sup>7</sup>» рақамлари билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 10 апрель,  
ЎРҚ–1055-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

#### **144 Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда қайта ишлаш занжирини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт салоҳиятини янада ошириш, мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, қайта ишлаш, сақлаш, экспорт қилиш ва кооперация тизимини жорий этиш жараёнларини ўзаро интеграция қилиш мақсадида **қарор қиламан:**

#### **I. Мақсадлар**

1. Қуйидагилар 2025-2026 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш ҳамда қўшилган қиймат занжирини яратишнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:

(а) 2025 йилда мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ҳажмини жами 3,5 миллиард АҚШ долларига етказиш;

(б) 2025 йил якунига қадар 8 та давлатга янги 30 турдаги маҳсулотлар экспорти учун фитосанитария рухсатномаларини олиш;

(в) истиқболли бозорларга 2025 йилда 442 миллион АҚШ доллари, 2026 йилда 575 миллион АҚШ доллари миқдоридagi мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини таъминлаш;

(г) 2025 йилда ҳудудларда жами 2,1 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари учун қадоқлар ишлаб чиқариш бўйича 40,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш.

2. Қуйидагилар:

(а) Республика ҳудудларида мева, сабзавот, полиз экинлари, узум ва дуккакли маҳсулотлар (кейинги ўринларда — мева-сабзавот маҳсулотлари) қўшилган қиймат занжирини яратишда уларнинг қайта ишлаш ва сақлаш даражасини оширишнинг 2025 — 2027 йиллардаги истиқболли кўрсаткичлари 1, 1а ва 1б-иловаларга\*\* мувофиқ;

(б) Республика ҳудудларида айрим турдаги маҳсулотлар экспортининг 2025-2026 йиллардаги истиқболли кўрсаткичлари 2-иловага\*\* мувофиқ;

(в) 2025 йилда ишга тушириладиган мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун қадоқлар ишлаб чиқариш лойиҳаларининг манзилли рўйхати 3-иловага\*\* мувофиқ;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 10 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(г) 2025 йилда халқаро молия институтлари маблағларидан имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобига ҳудудларда ўрнатиладиган 300 та кичик ҳажмли кўчма музлаткичларнинг прогноз тақсимоти 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

## II. Имтиёзлар

3. Белгилансинки, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

(а) 2028 йил 1 январга қадар мева-сабзавот маҳсулотларини замонавий қадоқларда реализацияга чиқарадиган ҳамда қуйидаги барча шартларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган тадбиркорлик субъектлари учун фойда солиғи ва ўзларининг ходимлари учун жисмоний шахслардан олинadиган ижтимоий солиқ ставкалари 1 фоиз этиб белгиланади:

(i) ҳар ойда ҳар бир ходимга иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланганда;

(ii) замонавий қадоқланган мева-сабзавот маҳсулотларини солиқ даврида реализация қилишдан тушган умумий тушум жами товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромаднинг камида 50 фоизини ташкил этганда;

(б) 2027 йил 1 апрелга қадар дуккакли маҳсулотларни экиш, йиғиб олиш ва саралаш ускуналари импорти учун божхона божининг 1 фоизлик ставкаси қўлланади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ умумий ер майдони 5 гектардан кам бўлмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ўзларига қарашли қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг дала четларида ички хўжалик ер тузиш лойиҳасига мувофиқ жами ер майдонининг бир фоизига, лекин 20 сотихдан кўп бўлмаган ўлчамда ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мос бўлган музлаткичли омборхоналар, саралаш, қуритиш, қайта ишлаш, қадоқлаш, сув тежовчи технологиялар ва сув сақлаш объектларини қуришга рухсат этилади. Бунда:

(а) объектларни қуришни назарда тутувчи ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари ердан фойдаланувчиларнинг буюртмаси ҳамда Агросаноатни ривожлантириш агентлиги хулосаси асосида «Ўздаверлоиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг ҳудудий бўлимлари томонидан ишлаб чиқилади, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади ҳамда қурилиш соҳасида рухсат берувчи ҳужжатларни олиш учун мурожаат қилиш ҳуқуқини беради;

(б) объектлардан фойдаланмаслик ёки мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда ер солиғи ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг уч баравари миқдорида қўлланади.

## III. Молиявий ресурслар

5. Белгилансинки:

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(а) 2025-2026 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини аҳоли томорқалари, деҳқон ва фермер хўжаликларидан йиғиб, саралаб, замонавий қадоқлаб шартнома асосида реализация қилган қишлоқ хўжалиги кооперативларига қадоқ харажатларининг 25 фоизи, бироқ ҳар бир қадоқ учун уч минг сўмдан кўп бўлмаган миқдорда «Савдони ривожлантириш компанияси» АЖ томонидан Давлат бюджети параметрларида Савдога кўмаклашиш жамғармаси учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан қоплаб берилади. Бунда:

(i) қишлоқ хўжалиги кооперативларининг мева-сабзавот маҳсулотларини йиғувчи ва тайёрловчи аъзолари маҳсулотларни сифатли тайёрлаш ва экспортга чиқариш бўйича «Edukarantin.uz» ахборот тизими орқали ўқиб, сертификатга эга бўлиши лозим;

(ii) сертификатга эга бўлган қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва улар аъзоларининг «Agroko‘makchi» мобиль иловасида «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифалар бўйича рейтинг тизими юритилади;

(б) органик майдон ташкил қилиб, сертификатланган органик маҳсулотлар етиштиришни йўлга қўйган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга «Organic», «Global G.A.P.», «Halal», «Kosher», «FSSC», «ISO 9001», «ISO 22000» ва «ISO 14000» халқаро сертификатларини олиш харажатлари Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия сифатида қоплаб берилади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Сингапур, Корея Республикаси, Япония ва Европа давлатларидаги йирик савдо тармоқларида Ўзбекистон маҳсулотлари учун алоҳида савдо ярмаркаларини ташкил қилиш ҳамда савдо расталарини ижарага олиш харажатларини молиялаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 апрелдаги ПҚ–146-сон қарори 2-бандида назарда тутилган Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 фоиз олдиндан тўлов таъминланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 февралдаги «Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–36-сон Фармонида мувофиқ:

(а) халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 220 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар 2024 йил 1 мартга қадар тижорат банкларига йўналтирилиши;

(б) мазкур банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан тижорат банклари томонидан йиллик Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада (шундан банк маржаси 4 фоиз) миллий валютада озиқ-овқат йўналишидаги, соҳада маҳсулот етиштиришдан тортиб уни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган қўшилган қиймат занжирини яратишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун 10 йил муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан кредитлар ажратилиши белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

#### **IV. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортига доир ташкилий масалалар**

8. Белгилансинки, ҳудудларнинг экспорт кўрсаткичларига аниқлик кири-

тиш мақсадида ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотларга ички фитосанитария сертификатларини беришда маҳсулот етиштирилган ҳудуд мажбурий қайд этиб борилади.

9. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси 2025 йил якунига қадар 5-иловага\* мувофиқ озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига (пестицид, микотоксин, оғир металлар ва бошқа ифлослантувчи моддалар қолдиқ миқдорларига) оид амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини Алиментариус Кодекси нормаларига мувофиқлаштирсин.

10. Транспорт вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини самарали ташкил этиш, сифатли транспорт-логистика (автомобиль, темир йўл ва авиа ташув) хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида «E-logistika» платформасида экспортёр ва ташувчи корхоналарнинг тўғридан-тўғри ишлаш имкониятини таъминласин. Бунда онлайн платформада қўйидаги имкониятлар яратилади:

(а) юк ташувчи (экспедитор) ва экспортёрлар ҳақида маълумотларни кўриш ҳамда улар билан тўғридан-тўғри онлайн алоқа ўрнатиш;

(б) юкларни ташқи бозорларга етказиб беришнинг самарали йўналишларини аниқлаш ва оптимал занжирларини шакллантириш;

(в) юк автотранспорт воситаларини маълум бир муддатга бронь қилиш ҳамда уларни реал вақт режимида кузатиб бориш тизимини йўлга қўйиш.

#### **V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

11. Мазкур қарорнинг мақсадларига эришиш доирасида қўйидагилар масъул этиб белгилансин:

(а) Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (И. Эргашев):

(i) 2025 йил якунига қадар 8 та давлатга янги 30 турдаги маҳсулотлар экспорти учун фитосанитария рухсатномаларини олишга;

(ii) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчилари билан биргаликда 2025 йилда мазкур қарорнинг 6-бандида назарда тутилган давлатлардаги савдо тармоқларида Ўзбекистон маҳсулотлари учун алоҳида савдо ярмаркаларини ташкил қилишга;

(iii) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарорнинг 5-банди «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган маблағларни ажратиш тартибини тасдиқлаш учун Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига (Ж. Ходжаев) киритишга;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари:

(i) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорга 1, 1а

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ва 16-иловаларга мувофиқ республика ҳудудларида мева-сабзавот маҳсулотлари қўшилган қиймат занжирини яратишда қайта ишлаш ва сақлаш даражасини оширишнинг 2025 — 2027 йиллардаги истиқболли кўрсаткичларини таъминлашга;

(ii) хорижда ташкил қилинадиган савдо ярмаркаларини етарли маҳсулотлар билан таъминлашга;

(iii) бир ой муддатда мазкур қарорга 2-иловадаги айрим турдаги экспорт-боп маҳсулотлар бозорини диверсификациялашнинг мақсадли кўрсаткичлари асосида туманлар кесимида экспорт қилишнинг аниқ чора-тадбирлар дастурини тасдиқлашга;

(в) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари тижорат банклари билан биргаликда мазкур қарорга 3-иловага мувофиқ 2025 йилда мева-сабзавот маҳсулотларига мўлжалланган қадоқларни ишлаб чиқариш лойиҳаларини ишга туширишга;

(г) Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (Ж. Ходжаев):

(i) икки ҳафта муддатда мазкур қарорнинг 3-банди «б» кичик бандига мувофиқ божхона божининг 1 фоизлик ставкаси қўлланиладиган дуккакли маҳсулотларни экиш, йиғиб олиш ва саралаш ускуналарининг ТИФ ТН кодларини тасдиқлашга;

(ii) мазкур қарорнинг 6-бандида назарда тутилган давлатларда савдо ярмаркаларини ташкил қилиш билан боғлиқ, шу жумладан, авиачипта, маҳсулот намуналарини ярмаркага етказиш (транспорт-логистика), савдо ярмарка стендларини қуриш ва безаш билан боғлиқ харажатларни қоплашга;

(д) Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига (пестицид, микотоксин, оғир металллар ва бошқа ифлослантирувчи моддалар қолдиқ миқдорларига) оид халқаро стандартларни ижтимоий тармоқлар орқали тадбиркорлик субъектлари орасида кенг тарғиб қилишга.

12. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни саноатлаштириш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмларини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 7-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Ходжаев ва Ж.А. Қўчқоров, инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Кудратов, Ўсимликлар карантини ва

\* 6-7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳимояси агентлиги директори И.К. Эргашев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

16. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 8 апрель,  
ПҚ-136-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### **145** Талабгорларни архив ҳужжатларини тартибга келтиришга компетентлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида» 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда архив органлари томонидан кўрсатилаётган давлат хизматларини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда фуқароларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Талабгорларни архив ҳужжатларини тартибга келтиришга компетентлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти (кейинги ўринларда — Регламент) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

касбий компетентлик гувоҳномаларининг давлат хизматлари марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали электрон шаклда расмийлаштирилиши;

касбий компетентлик гувоҳномаларини олиш учун аттестациянинг талабгор иштирок этиш жойига қараб масофавий ёки анъанавий тарзда ўтказилиши;

касбий компетентлик гувоҳномаларини олиш учун аттестацияни ўтказишда талабгорни баҳолаш тартиби.

2. Белгилаб қўйилсинки, ташкилотларнинг архив ҳужжатлари касбий компетентлик гувоҳномасига эга шахс томонидан тартибга келтирилади.

3. Мазкур қарор кучга киргандан бошлаб:

амалдаги гувоҳномага эга архив мутахассисларининг касбий компетентлик гувоҳномалари муддати тугагунига қадар ҳақиқий деб ҳисобланади;

касбий компетентлик гувоҳномаларига эга шахслар архив ҳужжатларини фақат ўзи фаолият юритадиган ташкилотларда тартибга келтиради ёки унинг номидан бошқа ташкилотларга хизмат кўрсатади.

4. Адлия вазирлиги:

а) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

Регламент бўйича давлат хизмати ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

ЯИДХПда давлат хизмати кўрсатишнинг ҳар бир босқичида мурожаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 10 апрелда эълон қилинган.

б) икки ой муддатда амалдаги касбий компетентлик гувоҳномалари ҳақидаги маълумотлар архив ҳужжатларини тартибга келтиришга компетентлиги юзасидан аттестациядан ўтказилган талабгорлар реестрига киритилишини таъминласин;

в) давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мазкур қарорга мувофиқ давлат хизмати кўрсатилишининг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан доимий назорат ўрнатсин;

г) Регламентга мувофиқ давлат хизматини кўрсатиш тартибларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазо чораларини қўлласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага\* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Ж. Ташқулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 8 апрель,  
208-сон

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 8 апрелдаги 208-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Талабгорларни архив ҳужжатларини тартибга келтиришга  
компетентлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича  
давлат хизматини кўрсатишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент ташкилотлар ҳужжатларини тартибга келтиришга масъул шахснинг компетентлиги юзасидан уни аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини (кейинги ўринларда — давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аттестация** — талабгорнинг ташкилотлар ҳужжатларини тартибга келтиришга компетентлиги даражасини ваколатли орган томонидан аниқлаш тартиб-таомили;

**ваколатли орган** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги;

**касбий компетентлик гувоҳномаси (гувоҳнома)** — талабгорнинг аттестациядан ўтказилганлигини тасдиқловчи ваколатли орган томонидан бериладиган расмий ҳужжат.

**талабгор** — ташкилотлар ҳужжатларини тартибга келтиришга компетентлиги юзасидан аттестациядан ўтиш учун ариза берувчи архив ходими, шу жумладан, архивларда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси асосида ишловчилар ёки ташкилотларнинг архив ишига масъул шахси (бундан хизмат кўрсатувчи ходимлар мустасно);

3. Давлат хизмати ваколатли орган томонидан Давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда — Марказ) ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали кўрсатилади.

4. Аттестация ташкилотлар ҳужжатларини тартибга келтиришга қўйиладиган малака талабларига талабгорнинг мувофиқлигини аниқлаш ва касбий малака даражасини ҳолисона баҳолаш мақсадида ўтказилади.

5. Аттестация архивларни ташкил этишга ва архив ходимлари билан меҳнат шартномасини тузишга, улар томонидан архив иши соҳасида бошқа хизматларни кўрсатишга, шунингдек, талабгорнинг эгаллаб турган лавозимига тўсиқ бўла олмайди, ташкилотлар ҳужжатларини тартибга келтириш ёки ходимнинг компетентлиги эгаллаб турган лавозимининг асосий мезони ҳисобланган ҳоллар бундан мустасно.

6. Гувоҳнома эгаси архив ҳужжатларини фақат ўзи фаолият юритадиган ташкилотда тартибга келтиради ёки унинг номидан бошқа ташкилотларга хизмат кўрсатади.

7. Давлат хизмати мазкур Регламентга 1-иловага\* мувофиқ схема бўйича кўрсатилади.

### **2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби**

8. Талабгор ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Марказ ходими талабгор номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилинган ҳолларда эса, Регламентга 2-иловага\* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

Сўровномага сўнгги уч йилда архив иши бўйича малака оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ҳамда тегишли архив муассасаси ёки ташкилот раҳбарининг тавсия хати илова қилинади.

Талабгордан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумотларни ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

9. Сўровномага зарур маълумотлар киритилгандан сўнг талабгор маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг замонавий воситалари (дактилоскопия, электрон рақамли имзо, Мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Талабгор ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда — ЭРИ) билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

10. Давлат хизматини кўрсатиш учун талабгордан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўлангани ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

11. Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Марказ орқали мурожаат этилганда:

18 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи — Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ҳазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланганлиги учун);

қолган маблағлар — «Ўзархив» агентлиги ҳузуридаги Архив ишини ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси;

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

11,75 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасининг махсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи йиғим тўланганлиги Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланганлиги учун);  
колган маблағлар — «Ўзархив» агентлиги хузуридаги Архив ишини ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига ўтказилади.

12. Талабгор Марказга келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Марказ ходими томонидан тўлдирилиб, талабгор томонидан тасдиқлангандан сўнг ўн дақиқада ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

13. Ваколатли орган сўровнома тушган кундан бошлаб 1 иш кунида талабгорнинг аттестацияга қўйилиши ёки қўйилмаслиги ҳақида Марказга (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон шаклда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон хабарнома юборади.

Марказ хабарнома келиб тушгандан сўнг 10 дақиқа мобайнида ариза берувчини бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.

14. Қуйидагилар давлат хизматини кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади:

сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши;

амал қилиш муддати уч ой ва ундан ортиқ бўлган гувоҳноманинг мавжудлиги;

сўнгги уч йилда архив иши бўйича малака оширилмагани;

тегишли архив муассасаси ёки ташкилот раҳбари тавсия хатининг мавжуд эмаслиги.

Давлат хизматини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш қатъиян тақиқланади.

Талабгор унинг сўровномаси рад этилгани тўғрисидаги хабарномани олган кундан бошлаб ўттиз кун ичида ҳужжатлардаги камчиликларни тўғри-лаб, давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўламаган ҳолда, Марказга ёки ЯИДХТТ орқали такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бунда сўровнома рад этилгани тўғрисидаги хабарномада келтирилган камчиликлар бартараф қилиниб, ўттиз кун ичида такроран мурожаат қилинмаган тақдирда, ариза кўриб чиқилиши тугатилади ва тўланган йиғим талабгорга қайтарилмайди.

15. Ҳужжатлар ваколатли орган томонидан бир иш куни давомида такроран кўриб чиқилади.

Бунда ваколатли орган томонидан аввал рад этиш учун асосларда баён этилмаган сабаблар келтирилишига йўл қўйилмайди, аввал кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

16. Аттестацияни ўтказиш куни, вақти ва жойи тўғрисидаги маълумот ваколатли органнинг расмий веб-сайтида имтиҳон санасидан 10 иш куни олдин жойлаштирилади.

17. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишда уларни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади ва тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

18. Ваколатли орган томонидан аттестациядан ўтказиладиганлар рўйхати аттестация ўтказиш кунидан аввал 5 иш кунигача келиб тушган аризалар бўйича шакллантирилади.

19. Аттестация икки ойда камида бир марта ўтказилади.

### **3-боб. Талабгорни аттестациядан ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари**

20. Аттестация талабгорнинг хоҳишига кўра масофавий ёки анъанавий тарзда ўтказилади.

Бунда масофавий аттестация ваколатли органнинг тегишли архив иши ҳудудий бошқармаси биносида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ваколатли орган томонидан, анъанавий аттестация эса, ваколатли орган биносида ташкил этилади.

21. Талабгорнинг билим даражасини баҳолаш учун бериладиган саволлар архив иши ва иш юритиш соҳаси, архив ҳужжатларини тартибга келтириш, шу жумладан, ҳужжатлар қимматлилигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш мавзуси доирасида бўлиши лозим.

22. Аттестация қуйидаги босқичларда ташкил этилади:

1-босқич — талабгорнинг танловига кўра ўзбек, қорақалпоқ ёки рус тилида тест саволларига жавоб бериш;

2-босқич — суҳбат ўтказиш.

25 тадан иборат тест саволларига жавоб бериш учун 45 дақиқа вақт берилади, ҳар бир тўғри жавоб 2 баллдан автоматик баҳоланади. Тест натижасига кўра 36 — 50 балл тўплаганлар кейинги босқичга ўтиши мумкин.

Тест саволлари вариантлари ва уларнинг жавоблари ваколатли орган томонидан ишлаб чиқилади. Тест саволлари қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида янгиланиб, ваколатли органнинг расмий веб-сайтида мунтазам равишда жойлаштириб борилади.

Суҳбат босқичида талабгорлар танланган билет бўйича 5 та саволга ҳамда қўшимча саволларга берилган жавоблар учун 50 баллгача комиссия аъзолари томонидан алоҳида баҳоланиб борилади ҳамда ўрта арифметик нисбатда умумлаштирилади.

Аттестациянинг умумий давомийлиги 3 иш кунидан ошиб кетишига йўл қўйилмайди.

23. Талабгор аттестацияга шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида киритилади.

Аттестациядан ўтиш жараёнида талабгорга қуйидагилар тақиқланади: қонунчилик ҳужжатлари, ахборотномалар ва махсус адабиётлардан фойдаланиш;

мобил алоқа воситаси ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш;

бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш;

аттестация ўтказилаётган хонадан ташқарига чиқиш.

Ушбу талабларни бузган талабгорлар аттестация ўтказилаётган хонадан чиқариб юборилади ва аттестациядан ўтмаган ҳисобланади.

Бегона шахсларга аттестацияда иштирок этишга рухсат берилмайди.

24. Аттестация жараёни узлуксиз равишда овозли видеотасвирга туширилади ва бир йил мобайнида сақланади.

Аттестацияни ўтказиш жараёнини узлуксиз равишда овозли видеотасвирга тушириш учун ваколатли орган аттестацияни ўтказиш учун алоҳида тест хоналарини ажратади ҳамда замонавий техник асбоб-ускуналар (компьютер, овозли видео камера, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва бошқалар) билан таъминлаб, талабгорлар учун тегишли шарт-шароитлар яратади.

25. Аттестация умумий натижаларига кўра жами 70 — 100 балл тўплаганлар аттестациядан муваффақиятли ўтган ҳисобланади.

26. Ўтказилган аттестация натижаси бўйича ваколатли орган 2 иш куни ичида:

ташкилотлар ҳужжатларини тартибга келтириш бўйича тегишли компетентга эга деб топилган талабгорга мазкур Регламентга 3-иловага\* мувофиқ QR-код (матрик штрихли код) қўйилган гувоҳномани;

ташкилотлар ҳужжатларини тартибга келтириш бўйича тегишли компетентга эга эмас деб топилган талабгорга унинг сабабларини кўрсатган ҳолда, QR-код (матрик штрихли код) қўйилган билдиришномани расмийлаштиради ва уни ўз ЭРИСИ билан тасдиқлайди ҳамда Марказга (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки талабгорга (электрон шаклда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали юборади.

Марказ гувоҳнома ёки билдиришнома келиб тушгандан сўнг 10 дақиқа мобайнида уни талабгорнинг электрон манзилига юборади ва талабгорни бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади. Марказ талабгор ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда, талабгорнинг сўровига кўра унга гувоҳномани электрон ёки қоғоз шаклда тақдим этади.

27. Ваколатли орган томонидан гувоҳномага эга шахсларнинг электрон реестри (кейинги ўринларда — Реестр) юритилади ва унда қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

гувоҳномага эга шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

шахсини тасдиқловчи (паспорти ёки идентификация ID-картаси) маълумотлари;

гувоҳнома рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати;

гувоҳнома бекор қилинган бўлса, унга асос ва бекор қилинган санаси;

гувоҳномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги маълумотлар.

28. Гувоҳнома 3 йил муддатга берилади.

#### **4-боб. Аттестация комиссияси**

29. Аттестация ўтказиш учун ваколатли орган раҳбари ёки унинг ўринбосари раислик қилувчи аттестация комиссияси ташкил этилади.

---

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

30. Аттестация комиссияси ваколатли органнинг буйруғига асосан архив иши ва иш юритиш соҳасидаги тажрибали 5 нафар мутахассисдан иборат таркибда тузилади. Бу таркибда комиссия котиби аъзо ҳисобланмайди.

31. Аттестация комиссияси аттестация натижаларига кўра ташкилотлар ҳужжатларини тартибга келтириш бўйича тегишли компетентга эга ёки эга эмаслиги тўғрисида қарорлар чиқаради.

32. Комиссия аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

33. Аттестация комиссияси қарори иштирок этган аъзолари томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

Аттестация комиссиясининг баённомалари ваколатли органда камида 3 йил муддатда сақланади.

34. Аттестация комиссиясининг қарори юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

### **5-боб. Гувоҳномани қайта расмийлаштириш, тўхтатиб туриш ва бекор қилиш тартиби**

35. Гувоҳнома эгасининг паспортида (идентификация ID-картаси) кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки паспорти (идентификация ID-картаси) ўзгартирилганда, бир ой давомида ваколатли органга гувоҳномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ушбу маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, Марказ ёки ЯИДХП орқали ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани топшириши шарт.

36. Гувоҳнома гувоҳнома эгаси томонидан сўровнома берилган пайтдан бошлаб икки иш куни мобайнида қайта расмийлаштирилади, бунда Реестрга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Гувоҳномани қайта расмийлаштириш учун гувоҳнома эгасини аттестациядан ўтказиш талаб этилмайди.

Гувоҳномани қайта расмийлаштиришда тўлов ундирилмайди.

37. Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш учун қуйидагилар асос бўлади:

гувоҳнома эгасининг аризасига кўра гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашига қадар бўлган муддатгача;

гувоҳнома эгаси ўз фаолиятини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганда;

ҳужжатларни нотўғри йўқ қилишга ажратиш ҳамда нотўғри ва сифатсиз тартибга келтириш ҳолатлари аниқланганда;

ваколатли органнинг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмаси бажарилмаганда.

38. Гувоҳноманинг амал қилиши ваколатли орган томонидан 1 ой муддатга тўхтатиб турилади, мазкур Регламентнинг 37-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолат бундан мустасно.

39. Ваколатли органнинг гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори бўйича 2 иш куни ичида гувоҳнома эгаси хабардор қили-

нади ва гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги ҳақида Реестрга тегишли ёзув киритилади.

40. Ваколатли орган гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларнинг гувоҳнома эгаси томонидан бартараф этилиши учун 1 ой муддат беради.

41. Камчиликлар бартараф этилгани тўғрисидаги маълумот тушган кундан бошлаб 3 иш куни ичида ваколатли орган маълумотларни ўрганиши лозим.

Ўрганишлар натижасида гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар гувоҳнома эгаси томонидан бартараф этилганлиги аниқланган тақдирда, ваколатли орган 2 иш куни ичида камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисида гувоҳнома эгасини хабардор қилади ҳамда гувоҳноманинг амал қилиши тикланади.

42. Гувоҳнома қуйидаги ҳолларда ваколатли орган томонидан бекор қилинади:

гувоҳнома эгаси гувоҳноманинг амал қилишини бекор қилиш бўйича мурожаат қилганда;

гувоҳномани бериш тартиби бекор қилинганда;

гувоҳнома эгасининг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда, у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

гувоҳнома эгаси вафот этганда;

гувоҳноманинг амал қилиши гувоҳнома эгасининг мурожаатига асосан тўхтатиб турилганда ҳамда тегишли муддат давомида гувоҳноманинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида ваколатли органга мурожаат қилинмаган тақдирда.

43. Ваколатли орган қуйидаги ҳолларда гувоҳноманинг амал қилишини бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилади:

гувоҳнома эгаси гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни ваколатли орган белгилаган муддатда бартараф этмаганда;

ваколатли органнинг гувоҳномани бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга хилофлиги аниқланганда;

гувоҳнома қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олингани ёки мазкур Регламентнинг 6-бандида белгиланган талаблар бузилиши аниқланганда.

44. Ваколатли органнинг гувоҳномани тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш ҳақидаги қарори ёхуд мазкур Регламентнинг 43-бандида назарда тутилган асосларда ваколатли орган томонидан гувоҳномани бекор қилиш бўйича судга даъво киритилганда, гувоҳнома эгаси иш материаллари билан танишишга ҳамда улардан кўчирма олишга, оғзаки ва ёзма тушунтиришлар беришга, далилларни тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга, илтимосномалар тақдим этишга ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

45. Ваколатли органнинг гувоҳноманинг амал қилишини бекор қилиш тўғрисидаги қарори ҳақида 2 иш куни ичида гувоҳнома эгаси хабардор қилинади ва бу ҳақида Реестрга тегишли ёзув киритилади.

Гувоҳнома бекор қилинганда, гувоҳнома эгаси гувоҳномани олиш бўйича ушбу Регламентга асосан умумий тартибда мурожаат қилиши мумкин.

### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

46. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотлар сир сақланишини таъминлайди.

47. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари Регламент талаблари бажарилиши бўйича ваколатли органининг фаолияти устидан давлат хизматларини кўрсатиш давомида, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ва мониторингни амалга оширади.

48. Талабгорлар ва гувоҳнома эгалари ваколатли органлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

49. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING  
ҚАРОРИ**146** 2025 — 2030 йилларда давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган асосий йўналишлар бўйича ислохотларни амалга оширишнинг 2024 йилдаги устувор чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 4 мартдаги ПҚ–109-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, давлат молиясини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда натижадорликка асосланган бюджет тизимини жорий этиш ишларини жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

## 1. Қуйидагилар:

а) қуйидагиларни назарда тутувчи 2025 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ:

бюджет харажатлари ва давлат инвестицияларининг натижадорлигини ошириш;

Давлат бюджетини шакллантириш жараёнини такомиллаштириш ҳамда бюджетнинг самарали ижросини таъминлаш;

бюджет жараёнини рақамлаштириш қамровини кенгайтириш;

ўрта муддатли бюджетлаштиришда стратегик устуворликларни белгилаш;

бюджет интизомини мустаҳкамлаш, шу жумладан, фискал ахборот сифати ва ҳисобдорлигини ошириш;

б) 2025 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар режаси) 2-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Стратегия ва Чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида, сифатли ва натижадор таъминлаш чораларини кўрсин.

Стратегия ва Чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижросини ўз муддатларида ва сифатли таъминлаш, шунингдек, мақсадли кўрсаткичларга натижадор эришиш бўйича тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 10 апрелда эълон қилинган.

\*\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

публикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири  
Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 8 апрель,  
210-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 8 апрелдаги 210-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**2025 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг  
давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш  
СТРАТЕГИЯСИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун мамлакатнинг стратегик мақсадларига эришишда ишончли восита сифатида давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Ўтган беш йил давомида Вазирлар Маҳкамасининг «2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 24 августдаги 506-сон қарори доирасида амалга оширилган ислохотлар давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Бунда 2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегияси асосида қўйидаги натижаларга эришилди. Жумладан:

2020 йилдан бошлаб илк бор Давлат бюджети параметрларини Ўзбекистон Республикаси Қонуни шаклида тасдиқлаш тартиби жорий этилди ва парламент назорати кучайтирилди;

консолидациялашган бюджет қамрови барча давлат мақсадли жамғармалари, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ва ташқи қарз эвазига амалга ошириладиган давлат инвестиция лойиҳалари ҳисобидан кенгайтирилди;

Давлат молиясини бошқаришда бюджетни шакллантиришнинг ўрта муддатли режалаштириш механизмига ўтилди;

бюджетни шакллантириш жараёнида стратегик ёндашувни таъминлаш учун восита бўладиган ўрта муддатли давр учун Фискал стратегияни ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилди;

бюджетнинг натижадорлиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида

ҳисобдорлик ва шаффофлик тамойиллари асосида натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизимига ўтиш ислохотининг ҳуқуқий асослари яратилди;

макрофискал прогнозлашнинг сифати оширилди, фискал хатарларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича институционал имкониятлар яратилди ҳамда фискал хатарларни баҳолаш натижаларини эълон қилиш йўлга қўйилди;

давлат молияси статистикасини халқаро тан олинган стандартлар асосида юритиш амалиёти йўлга қўйилди;

бюджет-солиқ ҳисоботлари қамрови кенгайтирилиши, бюджет жараёни ва маълумотлари кенг жамоатчилик учун содда ва тушунарли шаклда очиқланиши ҳамда Ташаббусли бюджет лойиҳаси ишга туширилиши орқали фуқароларнинг бюджет жараёнидаги иштирокини кенгайтиришга эришилди;

давлат секторида ички аудит тизимини жорий этиш орқали вазирлик ва идораларда ички аудит хизматлари ташкил этилди ҳамда улар фаолиятини баҳолаш босқичига ўтилди;

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат қарзи тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниб, давлат қарзини самарали бошқаришда стратегик ёндашув таъминланди.

2. Давлат молиясини бошқариш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва эришилган натижаларга қарамасдан, соҳани янада такомиллаштиришни талаб этадиган бир қатор устувор йўналишлар мавжуд.

Жумладан:

бюджет интизомини таъминлаш механизмларини кучайтириш;

ўрта муддатли бюджетлаштиришда стратегик устуворликни таъминлаш;

давлат харажатлари ва инвестициялари самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш;

бюджетнинг самарали ижросини таъминлаш;

фискал ахборот сифати ва ҳисобдорликни янада ошириш.

Ушбу йўналишларни ўз ичига олган 2025 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) «Ўзбекистон — 2030» стратегиясига мувофиқ ҳамда хорижий экспертлар билан ҳамкорликда нафақат иқтисодий ривожланган давлатлар, балки молиявий-иқтисодий жиҳатдан тузилмаси ўхшаш давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш асосида ишлаб чиқилди.

## **2-боб. Стратегиянинг мақсад ва вазифалари**

3. Давлат молиясини бошқариш соҳасидаги ислохотларни тизимлаштириш, бюджет барқарорлигини таъминлаш ва интизомини кучайтириш орқали бюджет тақчиллигини қисқартириб бориш, бюджет очиқлигини таъминлаш, солиқ маъмурчилигини яхшилаш ва унинг самарадорлигини янада ошириш, бюджет харажатлари натижадорлигига эришиш, давлат қарзини макроиқтисодий хавфсиз даражада ушлаб туриш ва Давлат бюджети ликвидлигини ошириш Стратегиянинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Стратегияни амалга ошириш даври 2025 йилдан 2030 йилгача мўлжал-

ланган бўлиб, унда юқорида қайд этилган устувор йўналишлар доирасида 16 та мақсад белгилаб олинган.

Шунингдек, мазкур мақсадларга босқичма-босқич эришишни таъминловчи вазифалар ва амалий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

### **3-боб. Стратегиянинг устувор йўналишлари**

#### **1-§. Бюджет интизомини таъминлаш механизмларини кучайтириш**

4. Бюджет интизомини таъминлаш, бюджет харажатлари натижадорлигига эришиш, давлат молиясини бошқариш соҳасидаги ислохотларни тизимлаштириш, шунингдек, бюджет барқарорлигини таъминлаш орқали бюджет тақчиллигини қисқартириб бориш асосий чора-тадбирлар ҳисобланади.

5. Бюджет интизоми давлат молиясининг ўрта муддатли истиқболда барқарор бўлишини таъминлашга ёрдам беради, шунингдек, мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш мақсадларига эришиш ҳамда фуқароларга сифатли давлат хизматларини кўрсатишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

6. Макроиқтисодий таҳлиллар, фискал хатарлар, давлат қарзи ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджетни бошқариш соҳасидаги ваколатларининг такомиллаштирилиши асослантилган қарорлар қабул қилинишини таъминлаш билан бирга, бюджет интизомини яхшилаш имконини беради.

#### **Макроиқтисодий ва фискал прогнозлар сифатини ҳамда таҳлилий салоҳиятни ошириш**

7. Ушбу мақсад макроиқтисодий прогнозлаш моделлари ва воситаларини кенгайтиришга қаратилган бўлиб, макроиқтисодий прогнозлар сифатини оширишга ва бюджетни шакллантиришга хизмат қилади.

8. Макроиқтисодий прогнозлаш моделлари ва воситаларини кенгайтириш ҳамда таҳлилий салоҳиятни ошириш иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда солиқ ва бюджет сиёсати ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кенг миқёсда ўрганишга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, макрофискал прогнозларни ишлаб чиқиш ва бюджетни шакллантириш жараёнларини такомиллаштиришга ҳисса қўшади.

9. Макроиқтисодий прогнозлар сифатини мунтазам баҳолаб бориш асосида прогнозлаш моделлари ва воситалари такомиллаштирилади.

Натижадорлик келгуси молия йили учун ишлаб чиқилган макроиқтисодий прогнозлар ҳамда тегишли давр якунида шаклланган ҳақиқий кўрсаткичлар ўртасидаги тафовутнинг қисқариши асосида баҳоланади.

#### **Макрофискал хатарларни мониторинг қилиш, баҳолаш, бошқариш ва ҳисобдорликни такомиллаштириш**

10. Ушбу мақсад давлат бюджетига фискал хатарларнинг, уларни

аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш жараёнларини такомиллаштириш орқали таъсирини камайтиришга қаратилган.

11. Фискал хатарларни бошқариш макрофискал, жумладан, давлат-хусусий шериклик (кейинги ўринларда — ДХШ) лойиҳалари бўйича хатарлар ва уларнинг бюджетга таъсирини турли сценарийларда таҳлил қилиш ва бу борада кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда макрофискал хатарлар тўғрисидаги маълумотлар очиқлигини таъминлаш орқали янада такомиллаштирилади.

12. Фискал хатарлар мунтазам равишда баҳоланиб, натижалари чоп қилиниб борилади.

Натижадорлик фискал хатарларни бюджет хужжатларида акс эттирилиши билан баҳоланади. Шунингдек, Жаҳон банкининг давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорликни (кейинги ўринларда — PEFA) баҳолаш услубиётининг 10.3-банди билан ўлчанади.

### **Давлат қарзини самарали бошқариш**

13. Давлат қарзини самарали бошқаришнинг мақсади давлат қарзини макроиктисодий барқарорлик учун хавфсиз даражада сақлаш, Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш, самарали инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда давлат қарзига тўлиқ ва ўз вақтида хизмат кўрсатилишини таъминлашдан иборат.

Шунингдек, давлат қарзи бўйича ҳисобдорлик оширилади, маблағлар жалб қилиш манбаларини диверсификация қилиш ва давлат қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича муҳим чоралар кўрилади.

14. Давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш тўғрисидаги календарни эълон қилиш ҳамда ликвидлик ва фоиз ставкалари билан боғлиқ хатарларни камайтириш мақсадида давлат қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштиришни ўз ичига олган ва уч йилга мўлжалланган Давлат қарзини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилади.

15. Давлат қарзини бошқариш стратегияси орқали энг мақбул харажат ва хатарлар даражасига эга бўлган давлат қарзи портфелини шакллантириш ҳамда давлат қимматли қоғозлар бозори ривожланишини қўллаб-қувватлаш кўзланган.

16. Давлат қарзини бошқариш бўйича ўрта муддатли стратегия чоп этилиб, ҳар йили янгиланиб борилади ҳамда Фискал стратегия билан бирга тасдиқланади.

Натижадорлик Давлат қарзини бошқаришнинг ўрта муддатли стратегияси ишлаб чиқилиши ва эълон қилиниши (PEFA баҳолаш услубиётининг 13.3-банди) билан баҳоланади.

### **Давлат бюджети барқарорлиги ва бошқарувини такомиллаштириш**

17. Ушбу мақсад бюджет жараёнида фискал қоидаларга амал қилиниши тартиби ҳамда бюджетлараро муносабатлар ва маҳаллий бюджетларни

тартибга солиш механизмларини кучайтириш орқали бюджет интизомини таъминлаш ва Давлат бюджети барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси, «Давлат қарзи тўғрисида»ги Қонуни ва 2025 — 2027 йиллар учун Фискал стратегиясига мувофиқ давлат қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60 фоизлик чегаравий миқдори ҳамда консолидациялашган бюджет тақчиллигини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоизгача чеклаш вазифаси белги-ланганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Фискал қоидаларнинг ишлашини ва бюджет жараёнидаги ролини кучай-тириш чоралари тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қў-шимчалар киритиш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, бюджетлараро муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланган ваколатлар қай-та кўриб чиқилади. Бунда бюджетлараро трансфертлар ва муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

18. Бюджетлараро трансфертлар миқдорларини аниқлаш тартиби ва уларни ажратиш ҳамда маҳаллий бюджетлар мувозанатлигини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилади.

Натижадорлик бюджет интизомини таъминлашга имкон берувчи, транс-фертлар миқдорини шаффоф қоидаларга асосланган тизим орқали аниқлаш ва ажратиш тартиби ўрнатилганлиги (PEFA баҳолаш услубиётининг 7.1-банди) билан баҳоланади.

## **2-§. Ўрта муддатли бюджетлаштиришда стратегик устуворликни таъминлаш**

19. Ушбу йўналиш ўрта муддатга мўлжалланган бюджетни шаклланти-ришда миллий ва тармоқларга тегишли стратегик режалар инobatга олинishi-ни тартибга солувчи ислохотларни ўз ичига олган. Белгиланган ислохотлар-нинг амалга оширилиши орқали бюджет жараёнида стратегик режалаштириш тамойилини амалиётга жорий қилиш кўзланган.

## **Ўрта муддатли бюджетни шакллантириш жараёнини янада такомиллаштириш**

20. Фискал стратегия лойиҳасини ва стратегик устувор йўналишлар муҳокамасини сифат босқичига олиб чиқиш мақсадида бюджет тақвимини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, макроиктисодий параметрлар билан боғлиқ кутилма ва прогнозларни эртароқ шакллантириш чоралари кўрилади.

Шунингдек, 2026 йилдан бошлаб вақтинча харажатлар сметасини тузиш тартиби бекор қилинади. Бунда 2025 йил учун бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг вақтинча харажатлар сметалари январь ойи учун тузилади ҳамда Фискал стратегия ва стратегик устувор йўналиш-ларни муҳокама қилиш жараёни кенгайтирилади.

21. Бюджет сўровларини ва молия йили давомида тақдим этиладиган барча янги лойиҳаларни (норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари) молиявий

баҳолаш, шунингдек, уларнинг миллий стратегик мақсадлар ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг (соҳаларнинг) мавжуд стратегиялари билан ўзаро мувофиқлигини ўрганиш тартибга солинади.

22. Ўрта муддатли бюджет стратегик режалаштириш тамойили асосида ишлаб чиқиши ҳамда миллий стратегия ва соҳалар стратегияси билан солиқ-бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари ўзаро мувофиқ бўлишига эришилади.

Шунингдек, Фискал стратегия билан тасдиқланадиган биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари ҳамда «Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ажратиладиган маблағлар миқдорлари ўртасидаги фарқнинг камайирилишига замин яратилади.

23. Натижадорлик бюджетдан ажратиладиган маблағлар вазирликлар ва идораларнинг ўрта муддатли стратегиялари билан ўзаро мувофиқлик даражаси (PEFA баҳолаш услубиётининг 16.3-банди) билан баҳоланади.

### **Йиллик бюджетни шакллантириш жараёнининг айрим масалаларини тартибга солиш**

24. Ушбу мақсад йиллик бюджетни тайёрлаш жараёнларини янада тақомиллаштиришга қаратилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан фойдаланишни тартибга солиш механизмлари аниқлаштирилади, улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботлар бюджет ижроси бўйича ҳисоботлар таркибига киритилади.

25. Давлат фуқаролик хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини ислоҳ қилиш орқали айрим турдаги давлат божлари, мажбурий йиғимлар, тўловлар, жарималар ва ажратмалар ҳисобидан шакллантириладиган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларини қисқартириш тартиби ишлаб чиқилади.

Бунда бюджет даромадлари тақсимоли қайта кўриб чиқилади ҳамда консолидациялашган бюджет балансини тузиш қоидалари ишлаб чиқилади.

26. Стратегиянинг ўрта муддатли бюджетни шакллантириш жараёнини янада тақомиллаштириш мақсади билан биргаликда йил давомида бюджетга киритиладиган ўзгартиришларни самарали бошқаришга эришилади.

27. Натижадорлик тасдиқланган бюджет параметрларига киритилган ўзгартиришларнинг ҳажми тасдиқланган бюджет харажатларига нисбати қисқариши (PEFA баҳолаш услубиётининг 1.1-банди) билан баҳоланади.

### **3-§. Давлат харажатлари ва инвестицияларининг самарадорлиги ҳамда натижадорлигини ошириш**

28. Мазкур йўналишда белгиланаётган ислохотлар ёрдамида давлат харажатлари ва инвестицияларининг самарадорлиги ҳамда натижадорлигини ошириш ишлари давом эттирилади. Бюджет дастурлари ва улар билан боғлиқ самарадорлик кўрсаткичлари мамлакатимизнинг устувор стратегик мақсадларини ўзида ифодалашини назарда тутган ҳолда, босқичма-босқич тўлиқ

дастурий бюджетлаштириш тизими жорий этилади. Давлат инвестицияларини бошқариш тартиблари ишлаб чиқилиши инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ва ҳисобдорликни оширишга хизмат қилади.

### **Бюджет маблағлари самарадорлигига эришиш учун натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизимини жорий этиш**

29. Бюджетни шакллантиришда натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизими қамрови босқичма-босқич кенгайтирилиб, 2030 йилга қадар тўлиқ дастурий бюджетлаштириш механизмига ўтилади ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадлари, «яшил» ва гендер масалаларининг бюджет жараёни билан интеграцияси амалга оширилади. Бунда давлат харажатлари самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш ва баҳолаш тартиб-қоидалари қучайтирилади ҳамда жараённинг шаффофлиги таъминланади.

30. Бюджет дастурларини ишлаб чиқиш услугиёти ва улар билан боғлиқ самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда ҳисобдорлик такомиллаштирилади. Шунингдек, мазкур йўналишда банд бўлган вазирлик, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари мутахассис ходимларининг салоҳиятини ошириш бўйича тренинглар ўтказиш йўлга қўйилади.

31. Давлат бюджети харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги бўйича Давлат бюджети харажатларини «яшил» бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш (маркировкалаш) ва гендерга йўналтирилган бюджетлаштириш услугиётлари ҳамда уларни амалиётга татбиқ қилиш механизмлари ишлаб чиқилади.

32. Барча вазирлик ва идоралар бюджет дастурларини ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиб, бюджет маблағларининг натижадорлиги оширилади.

Натижадорлик биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет харажатларини ривожланиш дастурлари орқали самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиши (PEFA баҳолаш услугиётининг 8-банди) билан баҳоланади.

### **Давлат инвестицияларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш**

33. Амалдаги давлат инвестицияларини бошқариш жараёнини баҳолаш ва келгусида ушбу тизимни такомиллаштириш юзасидан халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик қилинади.

34. Техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатация харажатларини аниқлашнинг ягона услугиёти ишлаб чиқилади ҳамда бюджет маблағларини тақсимловчиларда ушбу услугиётни қўллаш кўникмаси оширилади, шунингдек, мазкур харажатлар ўрта муддатли бюджетни шакллантиришда инобатга олинишини таъминлаш механизмлари жорий этилади.

35. Давлат инвестицияларини бошқариш ва уларни бюджет жараёни билан интеграция қилишни такомиллаштириш мақсадида бюджетдан ва ташқи манбалардан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини шакллантириш бўйича регламентлар мувофиқлаштирилади.

36. «Капитал қўйилмалар» электрон платформасининг бюджетдан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ва баҳолаш босқичларини қамраб олиш бўйича функционал имкониятлари кенгайтирилади.

37. Инвестиция лойиҳалари таклифи ишлаб чиқилганда, уларни сақлаш ва эксплуатация харажатлари ягона услубиёт асосида баҳоланиб, тегишли тартибда ўрта муддатли бюджет лойиҳасида инобатга олиниши таъминланади.

38. Натижадорлик Халқаро валюта жамғармасининг Давлат инвестицияларини бошқариш тизимини баҳолаш (кейинги ўринларда — РІМА) услубиётининг 9-банди, яъни барча инвестиция лойиҳаларининг сақлаш ва эксплуатация харажатлари ягона услубиётга мувофиқ ишлаб чиқилиши амалиётга жорий эгилганлиги билан ўлчанади.

#### **4-§. Бюджетнинг самарали ижросини таъминлаш**

39. Фуқароларга ўз вақтида ва самарали хизмат кўрсатишда давлат бюджетининг самарали ижросини амалга ошириш механизмлари мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади. Даромадлар маъмурчилиги ва йил давомида бюджет маблағларини бошқариш жараёнларининг такомиллаштирилганлиги билан бир қаторда замонавий ички назорат ва аудит функциялари мавжудлиги, режалаштирилган харажатларни қоплаш учун ресурсларнинг ўз вақтида таъминланишини ҳамда бюджетларнинг режалаштирилган тарзда бажарилишини таъминлашга ёрдам беради.

Шу билан бирга, давлат молиясини бошқариш тизимининг рақамлаштирилиши бюджетни янада самарали бошқаришга, жараённинг шаффофлигини яхшилашга ҳамда ҳисобдорликнинг кучайтирилишига хизмат қилади.

#### **Солиқ маъмурчилиги сифатини янада ошириш**

40. Ушбу мақсад солиқ ва божхона маъмурчилигининг адолатли, самарали ва натижали бўлишини таъминлашга қаратилган. Солиқ ва божхона маъмурчилиги сифатининг оширилиши, солиқларнинг белгиланган меъёрлар ва муддатларда ундирилишини таъминлаш билан бир қаторда фуқаролар ва тадбиркорларга тушадиган солиқ юкини камайтириш имконини беради.

Бундан ташқари электрон хизматларни яхшилашга урғу бериш орқали комплаенс назорати халқаро илғор тажрибаларга мувофиқ такомиллаштирилади. Бунда йирик ва халқаро корхоналар, юқори даромадли жисмоний ва юридик шахслар томонидан солиқларнинг тўланиши ёки тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ хатарларни бошқариш ҳамда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш орқали солиқ ва божхона тизими яхлитлигини таъминлаш мақсадида комплаенс назоратни янада такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Шунингдек, халқаро экспертлар билан ҳамкорликда солиқ харажатлари ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини ҳамда солиқ тўловчиларга ёки тармоқларга нисбатан жорий этиладиган имтиёзлар ва енгилликларнинг маз-

мунини, уларни белгилаш, қўллаш ва чекланган муддатларини аниқ белгилашни ўз ичига олган ягона тартиб ва қоидалар ишлаб чиқилади.

41. Солиқ ва божхона маъмурчилиги яхшиланиши орқали яширин иқтисодиётнинг улуши қисқаришига эришилади. Шунингдек, бюджет даромадларининг мамлакатимиз иқтисодий ривожланиш суратлари билан мос равишда қўпайиши таъминланади.

### **Ягона ғазна ҳисобварағи маблағларини самарали бошқариш**

42. Бюджет харажатлари ягона ғазна ҳисобварағи маблағларини самарали бошқариш ва ликвидликни таъминлаш орқали ўз вақтида молиялаштирилади. Бунда маблағлар ҳаракати прогнозларининг сифатини ошириш ҳисобидан бюджет ижроси қўллаб-қувватланади.

43. Маблағларни бошқариш ва ликвидликни мувофиқлаштириш амалиётини такомиллаштириш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ғазначилик хизмати қўмитаси ва Марказий банкдан иборат идоралараро қўмита тузилади ҳамда унинг фаолияти тўғрисидаги низом қабул қилинади.

Бунда бизнес интеллект (Business Intelligence solutions) воситалари орқали пул оқимларини прогнозлаш ва ликвидликни бошқариш жараёнлари янада такомиллаштирилади.

Шу билан бирга, ғазначилик фаолиятида хатарларни бошқариш тизими такомиллаштирилиб, Ғазначилик хизмати қўмитаси томонидан Марказий банк билан ҳамкорликда Бутунжаҳон банклараро молиявий телекоммуникациялар ҳамжамияти (SWIFT) тизими орқали валюта тўловлари рақамлаштирилади.

44. Келгуси йил консолидациялашган бюджет учун пул оқимлари прогнозларининг чораклик, келгуси чоракнинг ойма-ой ва келгуси ойнинг ҳафталик тақсимотларини тузиш амалиёти жорий қилинади.

45. Натижадорлик пул оқимларини прогнозлаш ва ликвидликни бошқаришда бизнес интеллект (Business Intelligence solutions) воситалари амалиётга жорий этилганлиги ҳамда чораклик, ойлик ва ҳафталик прогнозлар тузилиши билан ўлчанади.

### **Давлат молиясини бошқариш жараёнларини рақамлаштириш**

46. Ушбу мақсад Ўзбекистонда давлат молиявий бошқарувини яхшилаш учун рақамли ечимлардан фойдаланилишига замин яратади.

47. Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш концепцияси ишлаб чиқилиб, бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларнинг ягона паспортини (жойлашган жойи, бинолар ҳолати, инфратузилмаси, кадрлар салоҳияти, моддий-техник базаси ҳолати ва бошқа) шакллантириш бўйича дастурий мажмуа яратилади.

Бунда вазирлик ва идоралар ҳамда коммунал хизматларни кўрсатувчи давлат корхоналарининг дастурий мажмуаларида мавжуд ахборотларни

«Паспорт» дастурий мажмуасига интеграция қилиш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланади.

48. Бюджет ташкилотлари томонидан бюджет сўровларини тақдим этиш жараёнини автоматлаштириш учун бюджетни шакллантириш модули тўлиқ якунига етказилади.

Бундан ташқари Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимлари қамровини Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва ташқи манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар ҳисобидан кенгайтириш чоралари кўрилади ҳамда қарзларни бошқариш ахборот тизими интеграция қилинади.

49. Асосий бюджет ҳисоботларининг Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимида автоматик тарзда шаклланиши таъминланади.

Натижадорликка Давлат молиявий статистикаси ва бюджетнинг асосий таҳлилий маълумотларини Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимида автоматик тарзда шакллантириш орқали эришилади.

### **Давлат ички назорати ва ички аудитини такомиллаштириш**

50. Давлат органлари ва ташкилотларида ички назорат тизимини такомиллаштириш устувор вазифа сифатида белгиланади ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида хавфларни бошқариш тизими жорий этилади. Давлат секторида ички назорат тизимини янада такомиллаштириш концепцияси ва уни амалга ошириш «йўл харитаси» ишлаб чиқилади.

51. Давлат ички назорати ва аудитининг қонунчилик асослари мустаҳкамланади, давлат ички назорати ва ички аудити тўғрисидаги қонун қабул қилинади.

52. Давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит ходимларини сертификатлаш ва малакасини ошириш тизими халқаро стандартлар асосида такомиллаштирилади. Бунда ички аудит хизматлари ходимларининг халқаро сертификатни олиш амалиёти йўлга қўйилади.

53. Ички аудит жараёнларини рақамлаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилади, ички аудит хизматлари фаолиятида самарадорлик аудити ва ахборот технологиялари аудити жорий этилади.

54. Давлат органлари ва ташкилотларида хатарларни бошқаришга йўналтирилган самарали ички назорат тизими йўлга қўйилади. Ички назорат ва ички аудитнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилади, ички аудит хизматлари ходимларининг салоҳиятини оширган ҳолда, янги аудит турлари жорий этилади.

55. Натижадорлик ички назорат ва ички аудит хизматлари аниқланадиган хатарлар асосида аудит ўтказилиши ва тегишли ташкилот фаолиятидаги хатоликларнинг олдини олишга қаратилганлиги (PEFA баҳолаш услубиётининг 26.2-банди) билан баҳоланади.

### **Шаффоф ва самарали давлат харидлари**

56. Ушбу мақсад доирасида алоҳида турдаги товар ва хизматлар хариди

жараёнларининг батафсил тартиб-қоидаларини белгиловчи қўлланма ишлаб чиқилади.

Давлат харидларини амалга ошириш жараёнида бюджет маблағларидан фойдаланиш бўйича самарадорлик оширилади.

### **5-§. Фискал ахборот сифати ва ҳисобдорликни янада ошириш**

57. Фискал ахборот сифати ва ҳисобдорлик Давлат молиясини бошқариш учун асос ҳисобланади. Кенг қамровли, ишончли ва ўз вақтида тақдим этилган молиявий ҳисоботлар солиқ ва бюджет сиёсатидаги қарорлар сифатини оширишга ёрдам беради.

58. Халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар ва статистика маълумотлари жамоатчилик ва парламент учун белгиланган муддатларда тақдим этилиши орқали шаффофлик ва ҳисобдорлик оширилади.

### **Фискал ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш**

59. Ушбу мақсад соғлом бюджет сиёсатини ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлаш ва Ҳукуматнинг жамоатчилик ҳамда парламент олдидаги жавобгарлигини таъминлаш учун муҳим бўлган ҳисоботлар сифатини яхшилашга қаратилган.

Бунда давлат секторида бюджет ҳисобининг халқаро стандартлар асосида миллий бюджет ҳисоби стандартларини босқичма-босқич жорий этиш, Халқаро валюта жамғармасининг Давлат молиявий статистикаси қўлланмасига мувофиқ давлат молиявий статистика ҳисоботларини тайёрлаш ҳамда давлат органларида бюджет ҳисоботи тизимларини автоматлаштириш ишларини жадаллаштириш орқали ҳисоботлар сифатини ошириш таъминланади.

60. Давлат секторида бюджет ҳисобининг халқаро стандартлари асосида ишлаб чиқилган миллий бюджет ҳисоби стандартлари амалиётга жорий қилинади.

Шунингдек, Давлат молиявий статистикаси халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланишига эришилади.

Натижадорлик Давлат бюджети тўғрисидаги маълумотлар ва таҳлилий маълумотларнинг белгиланган муддатларида ҳамда доимий чоп этилиши (PEFA баҳолаш услугиётининг 5-банди) билан баҳоланади.

### **Бюджет ҳужжатларининг мазмуни ва сифатини ошириш**

61. Ушбу мақсад бюджет ҳужжатлари таркибини ва мазмунини янада такомиллаштириш, Ҳукуматнинг келгуси йиллар учун солиқ ва бюджет сиёсатида белгиланган устувор йўналишлари жамоатчиликка етказилишини таъминлаш ҳамда парламент назоратини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Бунда ўрта муддатли Фискал стратегия ва Бюджетнома лойиҳалари маз-

муни солиқ харажатлари, давлат инвестиция лойиҳалари, кетма-кет ўрта муддатли солиқ ва бюджет прогнозлари ўртасидаги оғишларнинг сабаблари акс эттирилиши билан яхшиланади.

Бундан ташқари бюджетнинг иқлим ўзгариши ва гендер масалалари билан боғлиқлиги юзасидан ҳисобот бериш ва уларни амалга ошириш кучайтирилади.

62. Бюджет ҳужжатларидаги таҳлилий маълумотлар халқаро илғор тажрибаларга мувофиқ кенгайтирилади.

Натижадорлик бюджет ҳужжатларининг Халқаро валюта жамғармасининг Фискал шаффофлик кодексига белгиланган талабларга тўлиқ жавоб бериши билан баҳоланади.

### **Бюджет назорати тизимини мустаҳкамлаш**

63. Ушбу мақсад парламент ролини янада ошириш орқали давлат маблағларидан фойдаланиш бўйича масъулиятни оширишга қаратилган.

64. Бюджет тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартибини қайта кўриб чиқиш ва харажатларга киритиладиган барча ўзгартиришлар Парламент томонидан тасдиқланиши тамойилини мустаҳкамлаш мақсадида Бюджет кодексини такомиллаштириш орқали Парламентнинг бюджет устидан назорат функцияси кучайтирилади.

65. Давлат бюджети ижроси жараёнида унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тартибга солиниб, уларнинг миқдорини камайтириш кўзда тутилган.

### **4-боб. Эришиладиган натижаларни мониторинг қилиш ва ҳисобдорлик**

66. Стратегияда белгиланган амалий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва мақсадларга эришилишини мониторинг қилиш мақсадида иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари раислигида мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ тузилади.

Ишчи гуруҳ томонидан амалий тадбирлар режасида белгиланган ҳар бир вазифанинг бажарилиши ҳолати ва натижадорлик мезонларига кўра ҳар бир ислохот кўзланган мақсадларга эришишга хизмат қилаётганлиги ўрганилади ва баҳоланади.

Шунингдек, Халқаро валюта жамғармасининг Фискал шаффофликни баҳолаш ҳамда Жаҳон банкининг Давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик (PEFA) мезонлари ва Давлат молиясини ўрганиш диагностик воситалари ёрдамида давлат молиясини бошқариш тизимининг самарадорлигини баҳолаш амалга оширилади.

67. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар:

макрофискал прогнозлар сифати ва таҳлилий салоҳиятни ошириш тизими яратилади;

маҳаллий бюджет параметрларини шакллантириш ва тасдиқлаш жараёнида вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг

ваколатлари ва мустақиллиги кенгайтирилади, ўз навбатида, уларнинг масъулияти сезиларли даражада оширилади;

давлат қарзини самарали бошқариш тизими такомиллаштирилади;

Давлат бюджети ижроси жараёнида самарадорликка ва натижадорликка эришилади;

йиллик ва ўрта муддатли бюджетни шакллантириш жараёни ҳамда уни тузиш тартиблари такомиллаштирилади;

бюджет натижадорлигини ва самарадорлигини ошириш учун натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизими жорий этилади;

давлат инвестициялари самарадорлигини ошириш институтлари ва тартиблари кучайтирилади;

ички аудит ва назорат кучайтирилади;

фискал ҳисобот халқаро стандартларга мувофиқлаштирилади.

68. Стратегияда белгиланган ислохотларнинг амалга оширилиши бўйича йиллик ҳисоботлар Фискал стратегияда ҳамда Бюджетномада акс эттириб борилади.

69. Тегишли молия йили якуни билан, амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалардан келиб чиқиб, кейинги йилнинг биринчи чорагида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан стратегик мақсадларга эришишни қўллаб-қувватлаш учун амалий тадбирлар режасини кўриб чиқиш, ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**147 Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг инсон ресурсларини бошқариш бўйича фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг инсон ресурсларини бошқариш бўйича фаолиятини рақамлаштириш ва бир хил тартибга солиш орқали инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаларининг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

**1. Куйидагилар:**

Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмалари тўғрисидаги намунавий низом 1-иловага мувофиқ;

Вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликларининг Ташкилий-кадрлар гуруҳи тўғрисидаги намунавий низом 2-иловага мувофиқ;

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаларининг раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг инсон ресурсларини бошқариш бўйича фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2025 йил 1 майдан бошлаб:**

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг (ҳарбийлаштирилган тузилмалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бундан мустасно) инсон ресурсларини бошқариш бўйича фаолияти давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи томонидан баҳолаб борилади;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг (ҳарбийлаштирилган тузилмалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бундан мустасно) инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаларининг раҳбарлари ушбу қарор талаблари асосида давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи томонидан аттестациядан ўтказилади.

**3. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:**

бир ой муддатда инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаларининг ташкилий тузилмасини, вазифаларини ва фаолиятини ушбу қарор талабларига мувофиқлаштирсин;

инсон ресурсларини бошқариш соҳасидаги фаолиятни баҳолаш учун зарур маълумотлар ушбу қарор талабларига мувофиқ «[hgm.argos.uz](http://hgm.argos.uz)» электрон платформаси орқали ўз вақтида ва сифатли киритилишини ташкил этсин;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 10 апрелда эълон қилинган.

уч ой муддатда инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаларининг раҳбарлари ушбу қарорга 3-иловада белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ушбу қарорга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ташкилий-кадрлар гуруҳи тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия этилсин.

5. Белгилансинки, давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаларининг ходимлари тўғрисидаги ягона маълумотлар базаси юритилишини таъминлайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 9 апрель,  
212-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 9 апрелдаги 212-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг  
инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш  
бўлинмалари тўғрисида  
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Намунавий низом республика ижро этувчи ҳокимият органлари (кейинги ўринларда — давлат органи) инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаларининг вазифалари ва функциялари, фаолиятини ташкил этиш тартибини ҳамда уларга қўйиладиган талабларни белгилайди.

Мазкур Намунавий низом қоидалари ҳарбийлаштирилган тузилмалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Давлат органининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаси (кейинги ўринларда — бўлинма) тегишли давлат органининг кадрлар сиёсати амалга оширилишини таъминловчи таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлинма ўз фаолиятида бевосита тегишли давлат органининг раҳбарига бўйсунди.

Бўлинма фаолияти услубий жиҳатдан қонунчиликда белгиланган тартибда мувофиқлаштирилади.

4. Бўлинма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Намунавий низомга ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

5. Бўлинма давлат органи марказий аппаратида департамент, бошқарма ёки бўлим, ҳудудий бошқармаларда бўлим шаклида ташкил этилади ва туман (шаҳар) бўлимларида инсон ресурслари билан ишлаш бўйича бош мутахассис штатидан иборат бўлади.

6. Бўлинманинг штат бирлиги сони давлат органи раҳбари томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

**2-боб. Бўлинманинг асосий вазифалари**

7. Қуйидагилар бўлинманинг асосий вазифалари ҳисобланади:  
кадрларни саралаш ва танлаш ҳамда хизмат текширувлари ўтказиш бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш;

кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш чораларини кўриш, ходимлар таркиби сифатини ҳамда ходимларнинг фаолиятини таҳлил қилиш;

давлат органи ходимлари томонидан хизмат мажбуриятлари бажарилиши

ва давлат органида хизматни ўташ билан боғлиқ чекловларга риоя этилишини назорат қилиш;

давлат органи ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини ўз йўналиши доирасида ўрганиш (ёки ушбу жараёнларда иштирок этиш), уларга амалий ёрдам кўрсатиш, ижобий иш тажрибаларини оммалаштириш ва уларнинг амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш юзасидан чоралар кўриш;

рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали кадрларни саралаб олиш ва жой-жойига қўйиш шаффоф ва адолатли амалга оширилишини таъминлаш;

соҳадаги илғор хорижий тажриба асосида инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органининг инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантиришга оид фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича зарур ташкилий ва услубий чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;

давлат органининг меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжларини унга тегишли соҳалар ва тармоқларни ривожлантириш бўйича юкланган стратегик ва устувор вазифаларни самарали ҳал этиш имкониятига ҳамда меҳнат бозоридаги ўзгариб бораётган ташқи ва ички конъюнктурага мос равишда қаноатлантириш;

давлат органи ходимлари учун мансаб поғоналаридан кўтарилишда меҳнат фаолиятини одоб-ахлоқ сифатлари, иқтидори ҳамда кўникмаларини объектив баҳолашга асосланган тенг имкониятлар яратиш;

давлат органи ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси оширишни ташкил этиш орқали ходимлар салоҳиятини доимий ривожлантириш асосида давлат органи олдида турган стратегик ва устувор вазифаларни самарали ҳал этишда ҳар бир ходимнинг шахсий ҳиссасини оширишда кўмаклашиш;

давлат органи ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш ҳамда давлат органида юксак касбий одоб-ахлоқни шакллантириш чораларини кўриш;

давлат органи ходимларининг профессионал даражасини доимий равишда ошириб бориш ва уларнинг узлуксиз таълим олишини ташкил этиш;

давлат органида ходимлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва баҳолашда иштирок этиш;

давлат органида ходимлар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштириш, уларнинг ҳисоби ва ходимлар статистикасини юритиш ҳамда давлат органида кадрлар иш юритувини амалга ошириш;

ишга янги қабул қилинган ходимларга ички меҳнат тартиб қоидалари, жамоа шартномаси ва давлат органи хизматида амал қилинадиган одоб-ахлоқ қоидаларига оид кўрсатмалар бериш, хизмат фаолиятига оид ҳужжатлар билан таништиришни ташкил этиш;

давлат органининг таркибий тузилма, штатлар, лавозимлар ва ходимлар тўғрисидаги маълумотларини «hgm.argos.uz» электрон тизимига киритиш ва уларга ишлов бериш;

давлат мукофотларига тавсия этишга оид ҳужжатларни юритиш;

давлат органи ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзи қўникмаларини шакллантириш, уларнинг шахсий фазилатларини ҳамда давлат органидаги маънавий-руҳий муҳитни баҳолашга, психоэмоционал вазиятни таҳлил қилиш, юзага келиши мумкин бўлган муаммо ва низоларни аниқлаш, қулай ахлоқий-руҳий муҳитни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

### **3-боб. Бўлинманинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

8. Ўзига юкланган асосий вазифаларни самарали амалга ошириш учун бўлинма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун давлат органи, шунингдек, унинг тизимига кирувчи ташкилотлардан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

давлат органидаги инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш масалаларига тегишли йиғилишлар, кенгашлар ва мажлисларда иштирок этиш;

раҳбарият топшириғига кўра ёки тегишли бўлинма раҳбарининг розилиги билан уларнинг ходимларини инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш масалалари билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашга жалб қилиш;

давлат органи тизимига кирувчи ташкилотларда инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш масалалари бўйича қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиш ҳолатини ўрганиш;

давлат органи ходимлари томонидан меҳнат интизомига риоя этилишини назорат қилиб бориш;

самарали фаолият кўрсатаётган ходимларни рағбатлантириш бўйича раҳбариятга таклифлар киритиш;

давлат органи ва унинг тизимига кирувчи ташкилотларнинг қонунчилик ҳужжатлари ва меҳнат интизоми бажарилишини таъминламаётган ёки уларни бузаётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш;

давлат органи ва унинг тизимига кирувчи ташкилотларда инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш масалалари бўйича ўтказиладиган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда иштирок этиш.

9. Бўлинма:

ушбу Намунавий низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан ўзига юкланган вазифаларни зарур даражада ва самарали бажариш;

давлат органида давлат фуқаролик хизматига оид қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган вазифа ва функциялар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

тегишли давлат органида давлат фуқаролик хизматининг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳаққоний таҳлилий ва бошқа ахборотни тақдим этишга жавобгар ҳисобланади.

#### **4-боб. Бўлинма раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масаласини келишиш**

10. Бўлинма раҳбари лавозимига, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлган, камида 2 йил меҳнат стажига эга, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни ўзлаштирган, инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлиги ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш бўйича билимларга эга бўлган шахслар тайинланади.

11. Бўлинма раҳбари лавозимини эгаллаш бўйича ўтказиладиган танловларда Агентлик марказий аппарати ёки филиаллари масъул ходимлари Танловларни ташкил этиш ва ўтказиш комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) аъзоси сифатида иштирок этади.

12. Бўлинма раҳбари лавозимига тайинлаш ротация ёки қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ танловсиз амалга ошириладиган ҳолларда, номзодлар Агентлик билан белгиланган тартибда келишилади.

Мазкур қоидага риоя этмаслик, тайинловни ёки танлов натижаларини бекор қилишга асос бўлади.

Бўлинма раҳбари лавозимга тайинлангандан сўнг олти ой ичида Агентлик томонидан тасдиқланадиган дастур асосида икки ҳафтадан ошмайдиган муддатда Агентликда стажировка ўтади.

Бўлинма раҳбари Агентлик билан белгиланган тартибда келишилган ҳолда лавозимдан озод этилади.

13. Бўлинма раҳбарини лавозимдан озод этиш учун келишишда Агентлик ёки унинг филиалларига давлат органи томонидан лавозимдан озод этиш сабаблари кўрсатилган маълумотнома ва уни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, шунингдек, меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинаётган ҳолларда, бўлинма раҳбарининг аризаси тақдим қилинади.

Зарур ҳолларда, Агентлик томонидан бўлинма раҳбарини лавозимдан озод этиш масаласига доир қўшимча ҳужжатлар талаб қилиниши ҳамда бўлинма раҳбари билан суҳбат ўтказилиши мумкин.

Меҳнат қонунчилиги бўйича тарафларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга асосан меҳнат шартномасини бекор қилиш юзасидан Агентлик ёки унинг филиаллари билан келишиш талаб этилмайди.

14. Агентлик ёки унинг филиаллари бўлинма раҳбарини лавозимдан озод қилиш масаласини келишиш натижалари бўйича уч иш куни давомида тегишли давлат органини электрон усулда хабардор қилади.

#### **5-боб. Яқунловчи қоида**

15. Мазкур Намунавий низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 9 апрелдаги 212-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар)  
ҳокимликларининг Ташкилий-кадрлар гуруҳи тўғрисида  
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Намунавий низом вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликларининг (кейинги ўринларда — ҳокимликлар) Ташкилий-кадрлар гуруҳи вазифалари ва функциялари, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини ҳамда уларга қўйиладиган талабларни белгилайди.

2. Ташкилий-кадрлар гуруҳи (кейинги ўринларда — Гуруҳ) тегишли ҳокимликнинг кадрлар сиёсати ва ташкилий ишларнинг амалга оширилишини таъминловчи таркибий гуруҳ ҳисобланади.

3. Гуруҳ ўз фаолиятида бевосита ҳокимга бўйсунди.

Гуруҳ фаолиятини услубий жиҳатдан мувофиқлаштириш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Гуруҳ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунига ва бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

5. Гуруҳнинг штат бирлиги ҳоким томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

**2-боб. Гуруҳнинг асосий вазифалари**

6. Қуйидагилар Гуруҳнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

кадрларни саралаш ва танлаш ҳамда хизмат текширувларини ўтказиш бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш;

кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш чораларини кўриш, ходимлар таркиби сифатини ҳамда фаолиятини таҳлил қилиш;

ходимлар томонидан хизмат мажбуриятлари бажарилиши ва хизмат фаолияти билан боғлиқ чекловларга риоя этилишини назорат қилиш;

давлат органи фаолиятини ўз йўналиши доирасида ўрганиш (ёки ушбу жараёнларда иштирок этиш), уларга амалий ёрдам кўрсатиш, ижобий иш тажрибаларини оммалаштириш ва уларнинг амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш юзасидан чоралар кўриш;

рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали кадрларни саралаб олиш ва жой-жойига қўйишнинг шаффоф ва адолатли амалга оширилишини таъминлаш;

соҳадаги илғор хорижий тажриба асосида инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳокимликнинг инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантиришга оид фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича зарур ташкилий ва услубий чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;

ходимларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси оширишни ташкил этиш орқали ходимлар салоҳиятини доимий ривожлантириш асосида ҳокимлик олдида турган стратегик ва устувор вазифаларни самарали ҳал этишда ҳар бир ходимнинг шахсий ҳиссасини оширишда кўмаклашиш;

ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш ҳамда ҳокимликда юксак касбий одоб-ахлоқни шакллантириш чораларини кўриш;

ходимлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва баҳолашда иштирок этиш;

ходимлар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштириш, уларнинг ҳисоби ва ходимлар статистикасини юритиш ҳамда кадрлар иш юритувини амалга ошириш;

ишга янги қабул қилинган ходимларга ички меҳнат тартиб-қоидалари, жамоа шартномаси ва ҳокимликда амал қилинадиган одоб-ахлоқ қоидаларига оид кўрсатмалар бериш, уларнинг хизмат фаолиятига доир ҳужжатлар билан таништирилишини ташкил этиш;

ҳокимликнинг таркибий тузилма, штатлар, лавозимлар ва ходимлар тўғрисидаги маълумотларини «[hgm.argos.uz](http://hgm.argos.uz)» электрон тизимига киритиш ва уларга ишлов бериш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳокимлик раҳбар лавозимлари бўйича миллий кадрлар захирасини шакллантириш ишларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) билан ҳамкорликда захирага киритилган номзодларнинг касбий билимларини доимий такомиллаштириш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёнини ташкил қилиш;

давлат мукофотларига тавсия этишга оид ҳужжатларни юритиш;

ташкилий-кадрлар масалалари бўйича ҳоким қарорлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Президент Администрацияси раҳбарияти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ҳамда ҳоким раҳбарлигида ўтказиладиган йиғилишлар, мажлислар, учрашувлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш чораларини кўриш;

сайлов тўғрисидаги қонунчиликка асосан ҳокимликка юкланган вазифалар ижросини таъминлашда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Ташкилий-кадрлар гуруҳи тўғрисидаги Низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

### **3-боб. Гуруҳнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

7. Ўзига юкланган асосий вазифаларни самарали амалга ошириш учун Гуруҳ қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун ҳокимлик, шунингдек, унинг тизимига кирувчи ташкилотлардан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

ҳокимликдаги инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш масалаларига тегишли йиғилишлар, кенгашлар ва мажлисларда иштирок этиш;

ҳокимлик тизимига кирувчи ташкилотларда инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш масалалари бўйича қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш;

ходимлар томонидан меҳнат интизомига риоя этилишини назорат қилиш;

самарали фаолият кўрсатаётган ходимларни рағбатлантириш бўйича ҳокимга таклифлар киритиш;

ҳокимлик ва унинг тизимига кирувчи ташкилотларнинг қонунчилик ҳужжатлари ва меҳнат интизоми бажарилишини таъминламаётган ёки уларни бузаётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида ҳокимга таклифлар киритиш;

ҳокимлик ва унинг тизимига кирувчи ташкилотларда инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш масалалари бўйича ўтказиладиган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда иштирок этиш.

8. Гуруҳ:

ушбу Намунавий низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўзига юкланган вазифаларни зарур даражада ва самарали бажариш;

ҳокимликда давлат фуқаролик хизматига оид қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган вазифа ва функциялар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан таъсирчан назоратни амалга оширишга жавобгар ҳисобланади.

### **4-боб. Гуруҳ раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масаласини келишиш**

9. Гуруҳ раҳбари лавозимига, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлган, камида 2 йил меҳнат стажига эга, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни ўзлаштирган, инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлиги ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш бўйича билимларга эга бўлган шахслар тайинланади.

10. Гуруҳ раҳбари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Гуруҳ раҳбари лавозимга тайинлангандан сўнг олти ой ичида Агентлик

томонидан тасдиқланадиган дастур асосида икки ҳафтадан ошмайдиган муддатда Агентликда малака оширади.

**5-боб. Яқунловчи қоида**

11. Мазкур Намунавий низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 9 апрелдаги 212-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари  
инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш  
бўлинмаларининг раҳбарларини аттестациядан ўтказиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари (кейинги ўринларда — давлат органи) инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаларининг (кейинги ўринларда — бўлинма) раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом қоидалари ҳарбийлаштирилган тузилмалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Бўлинма раҳбарлари аттестациядан уларнинг касбига муносиблиги даражасини холисона баҳолаш, қонунчиликда белгиланган малака талабларига мувофиқлигини аниқлаш, зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш юзасидан масъулиятини ошириш мақсадида ўтказилади.

**II. Бўлинма раҳбарларини аттестациядан ўтказиш**

3. Бўлинма раҳбарлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигида (кейинги ўринларда — Агентлик) ва унинг филиалларида ҳар уч йилда бир марта аттестациядан ўтиши шарт.

Бўлинма раҳбарларининг улар ишлаётган давлат органлари томонидан аттестациядан ўтказилиши тақиқланади.

4. Бўлинма раҳбари лавозимга қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида ёки аттестациядан ўтказилган шахслар аттестациядан ўтганлик муддати тугашидан икки ой олдин аттестациядан ўтиши керак.

Ҳомиладор аёллар, шунингдек, уч ёшгача фарзанди бор ходимлар аттестациядан ўтказилмайди.

5. Ушбу Низомда назарда тутилган муддатларда бўлинма раҳбарини аттестациядан ўтказишга юбориш давлат органи раҳбари зиммасига юкланади.

Давлат органи ушбу Низом 4-бандининг биринчи хатбошисида назарда тутилган муддатда Низомнинг 11-бандида белгиланган тартибда Агентликка мурожаат қилади. Агар давлат органи ушбу муддатда тегишли ҳужжатларни узрли сабабларсиз Агентликка тақдим этмаса, Агентлик давлат органига нисбатан таъсир чораларини кўриши мумкин.

6. Давлат органларининг марказий аппаратидаги бўлинма раҳбарлари

Агентлик томонидан, давлат органларининг ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмаларидаги бўлинма раҳбарлари тегишли равишда Агентликнинг филиаллари томонидан аттестациядан ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбарлари Агентлик томонидан, туман (шаҳар) ҳокимликларининг Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбарлари Агентликнинг филиаллари томонидан аттестациядан ўтказилади.

7. Бўлинма раҳбарларини аттестациядан ўтказиш учун Агентлик марказий аппаратида камида беш киши ва унинг филиалларида камида уч кишидан иборат таркибда аттестация комиссиялари тузилади.

8. Аттестация комиссиялари таркиби Агентлик томонидан тасдиқланади.

Агентликда Агентлик директорининг тегишли ўринбосари, Агентлик филиалларида эса — Агентлик филиали раҳбари аттестация комиссиясининг раиси ҳисобланади.

Аттестация комиссияси таркибига келишувга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, илмий ва олий таълим муассасалари вакиллари киритилиши мумкин.

9. Аттестация комиссияси раиси:

аттестация комиссияси мажлисларида раислик қилади;

аттестацияни ўтказиш жойи ва муддатларини белгилайди;

аттестациядан ўтказиладиганларнинг рўйхат бўйича таркибини белгилайди;

аттестацияни ўтказиш бўйича бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилади.

Аттестация комиссияси раиси бўлмаган тақдирда, унинг вазифаларини раис ўринбосари амалга оширади.

10. Аттестация комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатда Агентлик марказий аппаратининг тегишли таркибий тузилмаси ҳамда унинг филиалларининг тегишли таркибий бўлинмаси аттестация комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

Ишчи орган:

аттестацияни ўтказиш жадвалини тузади ва тасдиқлаш учун аттестация комиссияси раисига тақдим этади;

аттестацияни ўтказиш санаси ва жойи тўғрисидаги маълумотларни аттестация комиссияси аъзоларига ҳамда талабгорларга етказиши;

аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этишга доир бошқа функцияларни амалга оширади.

### **III. Аттестацияни ўтказиш тартиби**

11. Давлат органи бўлинма раҳбарини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги хатни Агентликка белгиланган муддатларда юборади.

12. Бўлинма раҳбарини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги хат келиб тушган кундан бошлаб беш иш кун ичида кўриб чиқилади.

Талабгор мурожаат келиб тушган кундан бошлаб икки ой муддатда аттестациядан ўтказилиши керак.

13. Аттестацияни ўтказиш жойи ва вақти тўғрисида талабгорнинг иш жойи бўйича давлат органига аттестация ўтказиладиган санадан камида ўн кун олдин билдиришнома юборилади.

14. Аттестациядан ўтишга узрли сабабга кўра келмаган талабгор аттестация комиссиясининг кейинги навбатдаги мажлисида аттестациядан ўтказилади.

Аттестацияга узрсиз сабабга кўра келмаган талабгор бўйича у ишлаётган давлат органи раҳбарига билдиришнома юборилади. Талабгор аттестацияга узрсиз сабаб билан такроран келмаган тақдирда, аттестация комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар (материаллар) асосида талабгорни аттестациядан ўтмаган деб ҳисоблаш ҳақида қарор чиқариши мумкин.

15. Аттестация комиссияси, агар унинг мажлисида комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади.

Талабгор ишлайдиган давлат органининг вакили аттестация комиссияси мажлисида маслаҳат овози билан қатнашиши мумкин. Аттестация тугагандан кейин вакилнинг фикр-мулоҳазаси эшитилади.

16. Аттестация суҳбат шаклида ўтказилади.

17. Аттестация комиссияси талабгорнинг билимлари ва иш тажрибасини ҳисобга олиб:

талабгорни аттестациядан ўтган деб эътироф этиш ва аттестациядан ўтган бўлинма раҳбарлари электрон реестрига киритиш ҳақида;

талабгорни аттестациядан ўтмаган деб эътироф этиш ҳақида қарор қабул қилади.

18. Аттестация комиссиясининг қарорлари аттестация комиссиясининг мажлисида қатнашган аъзоларининг «hgm.argos.uz» электрон платформаси орқали берилган баллари натижаси бўйича қабул қилинади.

19. Аттестация натижалари балл қўйиш жараёни яқунлангандан кейин дарҳол эълон қилинади.

20. Аттестациядан ўтган номзод бир кун муддатда «hgm.argos.uz» электрон платформасида автоматик равишда юритиладиган аттестациядан ўтган бўлинма раҳбарлари электрон реестрига (кейинги ўринларда — электрон реестр) киритилади.

Электрон реестр Агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

21. Аттестациядан ўтмаган талабгор такрорий аттестациядан аттестация ўтказилган кундан камида уч ой ўтгач, бироқ олти ойдан кечикмай қайтадан ўтказилиши мумкин.

Агар талабгор такрорий аттестациядан ўта олмаса ёки кўрсатилган муддатда такрорий аттестациядан ўтиш учун мурожаат қилмаса, аттестация комиссияси унинг иш жойига билдиришнома юборади.

Давлат органи раҳбари билдиришнома олинган кундан кейин ўн кун мобайнида ходимни меҳнат қонунчилигига мувофиқ эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш ёхуд бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши ва кўрилган чоралар тўғрисида уч кун муддатда Агентликни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

22. Аттестация комиссиясининг қарорлари юзасидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

#### **IV. Яқунловчи қоида**

23. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 9 апрелдаги 212-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият  
органларининг инсон ресурсларини бошқариш бўйича  
фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг (кейинги ўринларда — давлат органи) инсон ресурсларини бошқариш бўйича фаолиятини баҳолаш (кейинги ўринларда — баҳолаш) тартибини белгилайди.

Ушбу Низом қоидалари ҳарбийлаштирилган тузилмалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Баҳолаш давлат органининг инсон ресурсларини бошқариш фаолиятини пухта таҳлил қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилади.

3. Баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва унинг филиаллари (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан амалга оширилади.

**2-боб. Баҳолаш индикаторлари ва уларни ҳисоблаш**

4. Баҳолаш қуйидаги йўналишлар бўйича индикаторлар асосида амалга оширилади:

а) асосий индикаторлар (АИ):

инсон капиталини ривожлантириш коэффициенти — 25 балл;

ходимларга яратилган шарт-шароитлар («well-being») ҳамда корпоратив маданият шаклланганлиги — 15 балл;

вакант лавозимлар сони — 10 балл;

вакант лавозимларга ходимларнинг тайинланиш муддати — 10 балл;

қўнимсизлик даражаси 10 балл;

раҳбар кадрлар лавозимларига захира кадрларни тайёрлаш — 10 балл;

умумий ходимлар сонида хотин-қизларнинг улуши — 7 балл;

умумий ходимлар сонида ёшларнинг улуши — 7 балл;

«hgm.argos.uz» электрон платформасида ходимларни рўйхатдан ўтказиш даражаси — максимал 6 балл;

б) қўшимча индикаторлар (ҚИ):

ходимларнинг юқори малака даражаси (фан номзоди, фалсафа доктори, фан доктори) — 5 балл;

халқаро эътироф этилган рейтинг берувчи ташкилотларнинг юқори 1000 талик рўйхатига киритилган хорижий ОТМларни тамомлаган ходимлар сони — 5 балл;

хорижий тиллардан миллий ёки халқаро тан олинган сертификати мавжуд ходимлар улуши — 5 балл.

Баҳоланиш муддати давомида сайлов тўғрисидаги қонунчиликка асосан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига юкланган вазифалар бажарилганда, қўшимча 5 балл ҳамда ҳокимликда коррупция ҳолатлар аниқланмаган тақдирда, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига 5 балл қўшилади.

5. Давлат органининг инсон ресурсларини бошқариш бўйича фаолиятини баҳолашда асосий ва қўшимча индикаторлар ушбу Низомга иловага\* мувофиқ ҳисобланади.

6. Рейтинг балли қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$РБ = АИ1 + АИ2 + АИ3 + АИ4 + АИ5 + АИ6 + АИ7 + АИ8 + ҚИ1 + ҚИ2 + ҚИ3$$

бунда:

РБ — рейтинг балли;

АИ — асосий индикатор;

ҚИ — қўшимча индикатор.

Асосий индикаторлар бўйича максимал — 100 балл, қўшимча индикаторлар бўйича максимал — 15 балл қўйилиши мумкин.

Бунда баҳолаш натижаларига кўра давлат органининг инсон ресурсларини бошқариш бўйича фаолияти «аъло», «яхши», «қониқарли» ва «қониқарсиз» тоифаларга ажратилади.

7. Баҳолаш натижаларига мувофиқ давлат органининг инсон ресурсларини бошқариш бўйича фаолияти рейтинг балли бўйича:

86 балл ва ундан юқори — «аъло»;

71 баллдан 85 баллгача — «яхши»;

56 баллдан 70 баллгача — «қониқарли»;

55 баллгача — «қониқарсиз» деб топилади.

### 3-боб. Баҳолаш тартиби

8. Баҳолашдаги индикаторлар инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатлар шакллантириладиган ҳамда юритиладиган автоматлаштирилган ахборот тизими — «hrm.argos.uz» электрон платформасида (кейинги ўринларда — электрон платформа) шакллантирилиб борилади.

Ходимларга яратилган шарт-шароитлар («well-being») ҳамда корпоратив маданият шаклланганлиги индикатори Агентлик томонидан ташкил этиладиган сўровнома асосида баҳоланади.

9. Давлат органининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаси электрон платформа орқали индикатор кўрсаткичларини доимий янгилаб боради ва уларнинг тўғрилиги бўйича масъул ҳисобланади.

10. Электрон платформа орқали ҳисоблаш имконияти бўлмаган индикатор кўрсаткичлари Агентлик томонидан давлат органидан электрон шаклда олинishi мумкин.

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда маълумотлар давлат органи томонидан уч иш куни ичида Агентликка тақдим этилиши лозим.

11. Баҳолаш натижалари электрон платформа орқали ҳисоблаб чиқиладди. Автоматик равишда ҳисоблаб чиқилиши назарда тутилмаган индикаторлар бўйича баллар давлат органи тақдим этган маълумотлар асосида Агентлик томонидан ҳисобланади.

12. Агентлик ярим йиллик ва йиллик баҳолаш натижаларини Агентликнинг расмий веб-сайти — «www.argos.uz» орқали эълон қилади.

#### **4-боб. Баҳолаш якунлари бўйича амалга ошириладиган тадбирлар**

13. Агентлик томонидан баҳолаш якунлари бўйича инсон ресурсларини бошқариш бўйича фаолияти «аъло» деб топилган давлат органининг ижобий иш тажрибасини бошқа давлат органларида оммалаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Агентлик томонидан инсон ресурсларини бошқариш бўйича фаолияти «аъло» деб баҳоланган давлат органига унинг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмалари раҳбарларини рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиб борилади.

14. Инсон ресурсларини бошқариш бўйича фаолияти «қониқарсиз» деб топилган давлат органи ўн иш куни ичида инсон ресурсларини бошқариш фаолияти кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши ва Агентлик билан келишилган ҳолда тасдиқлаши лозим.

15. Давлат органининг инсон ресурсларини бошқариш бўйича фаолияти кетма-кет икки марта «қониқарсиз» деб топилган тақдирда, Агентлик ушбу давлат органи раҳбарига инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш фаолияти кўрсаткичларини «қониқарсиз» деб топилишига сабаб бўлган тизимли камчиликларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритади.

#### **5-боб. Якунловчи қоидалар**

16. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

17. Заруратга кўра Агентлик томонидан давлат органининг инсон ресурсларини бошқариш бўйича фаолиятини баҳолашда асосий ва қўшимча индикаторларга ўзгартиришлар киритилиши, янги индикаторлар жорий этилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**148** **Замонавий биржа механизмларини жорий этиш орқали биржа савдоларида нархлар ўзгаришининг олдини олишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида\***

Биржа савдоларида бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, реал нархни шакллантиришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, соғлом рақобат ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, товар-хом ашё биржалари ҳамда биржа иштирокчилари фаолиятида қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг (кейинги ўринларда — Республика биржаси) биржа савдоларида тузиладиган битимлар бўйича сотувчи ва харидор ўртасида ўзаро мослашувчан нарх таклиф қилиш тамойилига асосланган «икки томонлама қарама-қарши аукцион» янги савдо воситасининг тест режимида ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида икки томонлама қарама-қарши аукцион орқали биржа савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

биржа савдоларида сотиладиган товарларни биржа савдоларига қўйишга рухсат бериш тартиби;

товарларни икки томонлама қарама-қарши аукцион савдоларида сотиш тартиби;

биржа савдолари давомида тузилган битимлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва низоларни ҳал қилиш тартиби.

3. Республика биржаси 2025 йил 1 июнга қадар икки томонлама қарама-қарши аукцион савдолари тизимини йўлга қўйиш, биржа савдолари иштирокчиларига қўшимча қулайликлар яратишга ҳамда уларни масъулиятини оширишга қаратилган қўйидаги механизмларни амалиётга жорий қилсин:

икки томонлама қарама-қарши аукцион савдоларида сотилган маҳсулотларни ягона юклаш манзили принципи асосида фаолият кўрсатувчи «биржа омбори» хизматларини республиканинг ҳар бир ҳудудида йўлга қўйиш ва уларни Республика биржасида рўйхатдан ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш;

биржа аъзолари ва биржа савдоларида иштирок этувчиларнинг «ишончлилик» рейтингини юритиш;

биржа аъзоларини янги савдо воситалари бўйича ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда яқуни бўйича уларга тегишли малака сертификатларини бериш;

биржа соҳаси иштирокчиларини «юқори савдо айланмаси — юқори даромад» тамойили асосида рағбатлантириш.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 11 апрелда эълон қилинган.

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси 2025 йил 15 июлдан бошлаб монопол корхоналар ва (ёки) устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахс, устав фондининг (капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахс томонидан ишлаб чиқарилган хлорид ва нитрат кислоталари, натрий цианид, гипохлорит натрий, суюқ азот, суюқ хлор, рух белиласи, ферромолибден, базальт, фосфорит ва доломит уни маҳсулотларини барча харидорларга ички бозорда фақат биржа савдолари орқали бозор тамойиллари асосида сотиш чораларини кўрсин.

5. Республика биржаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан маҳсулотларнинг биржа савдоларга қўйилиши, сотилиши, шартномалар тузилиши ва харидорга юкланиши, шу жумладан, харидор ва сотувчи томонидан бекор қилинган битимларнинг сабабларини ўрганиш, ноҳалол рақобатчиларга нисбатан тегишли чоралар кўриш бўйича маълумотлар алмашинувини йўлга қўйсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 11 апрель,  
220-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 11 апрелдаги 220-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида икки  
томонлама қарама-қарши аукцион орқали биржа савдоларини  
ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида икки томонлама қарама-қарши аукцион орқали биржа савдоларини ўтказиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари бошқа товар-хом ашё биржалари учун тавсиявий тусга эга.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аванс** — сотувчи ва харидор томонидан киритиладиган, биржа воситачилик йиғимини ва томонларнинг закатини ўз ичига оладиган сумма;

**биржа аъзолари** — биржа томонидан белгиланган тартибда биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда дилерлар, маркет-мейкерлар ва брокерлар сифатида биржа битимларини тузиш ҳуқуқини олган юридик шахслар;

**буюртмалар стакани** — биржа битимлари жорий вақтда тузилиши мумкин бўлган, берилган буюртмалар ҳақида маълумотни акс эттирувчи, савдоларда иштирок этаётган барча биржа аъзоларига жадвал шаклида фойдаланиши мумкин бўлган ва биржа савдолари электрон тизимида акс этган маълумот;

**икки томонлама қарама-қарши аукцион (ИТҚҚА)** — биржа савдоларида амалга ошириладиган ва бир вақтнинг ўзида товарларни сотиш бўйича ўз таклифларини таклиф қилувчи сотувчилар ҳамда сотиб олиш учун ўз таклифларини таклиф қиладиган харидорлар иштирок этадиган аукцион;

**Листинг комиссияси** — товарларни биржанинг котировкалаш varaғига киритиш (листинг), аввал киритилган товарларни биржанинг котировкалаш varaғидан чиқариш (делистинг) жараёнларини амалга оширувчи биржанинг доимий фаолият кўрсатувчи органи;

**лот** — биржа савдоси пайтида тузилган ва биржа савдосини сотиш (сотиб олиш) учун аризада кўрсатилган турдаги биржа товарининг миқдори.

3. Икки томонлама қарама-қарши аукцион орқали биржа савдоларини ўтказиш тартиби ушбу Низомга иловага\* мувофиқ схемага асосан белгиланади.

**2-боб. Товарларни биржанинг ИТҚҚА савдоларига қўйишга  
рухсат бериш тартиби**

4. ИТҚҚА савдоларига товарларни қўйишга уларни биржа котировка-

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лаш варағига киритиш орқали биржаларнинг Листинг комиссияси томонидан рухсат берилади.

5. Биржа котировкалаш варағига киритиладиган товарлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

биржа савдоларига улгуржи партияларда қўйилиши;

юқори ликвидли, ўзгармас сифат кўрсаткичларига эга бўлиши;

товар савдога мунтазам равишда (муружаатлар доимийлиги) қўйиб борилиши ва сотилиши;

товарни савдога қўйиш вақтида уларнинг олдиндан кўздан кечириш талаб қилинмаслиги;

мажбурий тартибда мувофиқлиги баҳоланиши лозим бўлган маҳсулотларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг бўлиши.

6. Листинг комиссияси томонидан маҳсулот маркаси, лот ҳажми, тўлов ва етказиб бериш шартлари, махсус ва бошқа шартлар кўрсатилган намунавий биржа контракти шартлари асосида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

7. ИТҚҚА савдоларига қўйилган товарлар ва уларнинг шартлари бўйича маълумотлар биржанинг расмий веб-сайтида очиқланади.

### **3-боб. Биржанинг ИТҚҚА савдоларини ўтказиш тартиби**

8. ИТҚҚА орқали биржа савдолари фақатгина биржа савдоларининг электрон тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

9. Савдолар биржалар томонидан тасдиқланган жадвалларга асосан секцияларга бўлинган ҳолда ўтказилади.

10. ИТҚҚА қуйидагиларни ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади:

савдо давомида биржа савдолари иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар махфийлиги;

биржа битими тузиладиган товарлар нархини шакллантиришда харидорлар ва сотувчилар томонидан рақобатдош таклифларни бериш жараёнида, унинг харидор учун энг яхши нарх (сотувчилардан минимал нарх) ёки сотувчи учун энг яхши нарх (харидорлардан максимал нарх) сифатида аниқланиши;

аванс тўловини киритиш.

11. Биржа аъзолари томонидан тақдим этилган биржа товарини сотиш (сотиб олиш) тўғрисидаги буюртма биржа савдоси иштирокчисининг биржа битимини тузишга розилиги ҳисобланади.

12. Биржа аъзолари томонидан ИТҚҚА орқали ўтказиладиган биржа савдоларида товарларни сотиш (сотиб) олиш учун берилладиган буюртмада қуйидагилар кўрсатилади:

стандарт биржа контракти (товар) коди;

буюртма йўналиши: товарларни сотиб олиш ёки сотиш;

сотилаётган (сотиб олинаётган) товар миқдори;

товарнинг сотиш (сотиб олиш) нархи.

13. ИТҚҚА орқали ўтказиладиган биржа савдоларида иштирок этадиган биржа аъзолари бир ёки бир нечта мижознинг вакили бўлиши мумкин.

14. Ҳар бир тақдим этилган буюртма қарама-қарши буюртмалардаги товарларнинг миқдори ва нархига мувофиқлиги юзасидан биржа савдо тизими томонидан доимий равишда автоматик таққослаш тартибида текширилади.

15. Агар тақдим этилган буюртманинг параметрлари қарама-қарши буюртмалар параметрларига тўғри келса, биржа битими тузилади.

16. Буюртмалар стакани биржа савдолари электрон тизими томонидан қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда автоматик режимда шакллантирилади:

тақдим этиш вақтидан қатъи назар, буюртмалар стаканида биринчи навбатда, энг яхши нархларга эга бўлган буюртмалар (сотиб олиш буюртмалари навбатида — харидордан максимал нархлар билан (камайиш тартибида), сотиш учун буюртмалар навбатида — сотувчидан минимал нархлар (ўшиш тартибида) жойлаштирилади;

қарама-қарши буюртмалар навбатдаги ўрни ва нархига қараб қаноатлантирилади — аввалига биринчи навбатда аниқланган аризалар қаноатлантирилади;

буюртмалар нархи тенг бўлса, олдинроқ тақдим этилган буюртма қолганларига қараганда устувор сифатида қаноатлантирилади;

агар битим тузилганда буюртма қисман қаноатлантирилса, унинг қолган (бажарилмаган) қисми ушбу Низомда белгиланган умумий тартибда қаноатлантирилиши керак бўлган алоҳида буюртма сифатида қаралади;

биржа битимини тузиш қаноатлантирилган буюртмаларни берган иштирокчиларнинг қўшимча розилигини талаб қилмайди.

17. ИТҚҚА савдо сессияси якунлангач, товарларни сотиб олиш (сотиш) учун барча қаноатлантирилмаган буюртмалар биржа савдо тизими томонидан бекор қилинади.

18. Битим қуйидагиларни инобатга олган ҳолда тузилади:

ҳар бир тақдим этилган буюртма тизимга тақдим этилган қарама-қарши буюртмаларга мос келиши текширилади;

тақдим этилган буюртма параметрлари қарама-қарши буюртмалар параметрлари билан кесишганда, битимлар тузилади;

агар нархлар тенг бўлса, илгари тақдим этилган буюртма кейинчалик тақдим этилган буюртмадан аввалроқ қаноатлантирилади;

битим ҳар доим буюртмалар навбатида энг яхши қарама-қарши буюртма нархида тузилади.

19. Битимлар доимий равишда тузилади ва иштирокчилар томонидан қўшимча ҳаракатларни талаб қилмайди.

20. Биржа бозор конъюнктурасидан ва/ёки монополияга қарши органининг таклифидан (қўрсатмасидан) келиб чиқиб, нарх ўзгаришининг (нарх оралиғи) чегаравий миқдорларини белгилайди.

#### **4-боб. Тузилган битимлар бўйича ҳисоб-китоблар**

21. Тузилган биржа битимлари бўйича ҳисоб-китоблар қонунчилик ва биржанинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

22. Биржа битими ижросини кафолати сифатида талаб этиладиган закат миқдори биржа контракти шартларида қўрсатилади.

23. Биржа хизматлари учун олинадиган воситачилик йиғими миқдори биржанинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади ва бунда Вазирлар Маҳкамасининг «Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 31 майдаги 251-сон қарорининг 8-банди тўртинчи — еттинчи хатбошиларининг талаблари татбиқ этилмайди.

#### **5-боб. Низоларни ҳал этиш тартиби**

24. ИТҚҚА биржа савдоларини ўтказиш, тузилган битимлар ижроси жараёнида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар биржанинг Арбитраж комиссиясида ёки судда эътироз тартибида кўриб чиқиш йўли билан ҳал этилади.

#### **6-боб. Яқунловчи қоида**

25. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 11 апрелдаги 220-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 январдаги 33-сон қарори билан тасдиқланган Товар-хом ашё биржаларида ҳисоб-китоб-клиринг операцияларини ўтказиш қоидаларининг 31-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда биржа савдоларига қўйилган ва сотилмасдан қолган юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулот ҳажмларини савдоларга қайта қўйишда дастлаб белгиланган закат суммасининг 50 фоизи ўтказилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 мартдаги 170-сон қарори билан тасдиқланган Биржа савдоларида юқори ликвидли ва (ёки) монопол турдаги маҳсулотларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Биржа савдоларида йириклаштирилган моддий баланслар ва прогнозларга асосан:

савдоларга қўйиладиган ва сотилмай қолган маҳсулотлар ҳажмлари кейинги биржа савдосига такроран қўйилиши;

биржа савдолари якуни бўйича битим тузилиб, кейинчалик харидор томонидан бекор қилинган, танланмаган ёки сотувчи томонидан етказиб берилмагани учун бекор қилинган битимлар ҳажмлари битим бекор бўлган кундан бошлаб бир иш куни ичида сотувчи томонидан биржа савдоларига такроран қўйилади.

Бунда мазкур ҳажмлар бўйича сотувчи маҳсулотнинг (халқаро биржалардаги нархларга боғланган маҳсулотлар бундан мустасно) бошланғич нархини қайта кўриб чиқиши, бошланғич нархдан паст нарх бериш бўйича буюртмаларни қабул қилиши ҳамда савдоларни икки томонлама аукцион тартиби орқали ўтказилиши бўйича товар-хом ашё биржаларига мурожаат қилиши мумкин»;

б) 32<sup>1</sup>-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32<sup>1</sup>. Биржа савдоларидан четлатилган ҳажмларда маҳсулотларни тўғридан-тўғри шартномалар бўйича биржа котировкалари (нарх)дан қимматроқ сотиш, шу жумладан, экспортга сотиш ҳолатлари аниқланганда, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотилган ҳажмни сотиш нархи билан биржа савдоларида бир хил турдаги маҳсулот бўйича ўртача ҳисобланган биржа котировкалари (нарх) ўртасидаги фарққа кўпайтириш орқали ҳисобланган маблағлар олиб қўйилади».

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH  
AGENTLIGI DIREKTORINING  
BUYRUG‘I**

**149** Maydoni 2000 kvadrat metrgacha bo‘lgan bo‘sh turgan davlat ko‘chmas mulk obyektlarini hokim yordamchilarining onlayn-buyurtmanomasiga asosan to‘g‘ridan-to‘g‘ri elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
7-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3372-1*

O‘zbekiston Respublikasining 2024-yil 7-sentabrdagi O‘RQ–957-son “Ma‘muriy islohotlar doirasida ta‘lim sohasida davlat boshqaruvi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi hamda 2025-yil 7-fevraldagi O‘RQ–1025-son “Korporativ munosabatlarning huquqiy asoslari yanada takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining 2022-yil 6-iyundagi 170-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3372, 2022-yil 28-iyun) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 28.06.2022-y., 10/22/3372/0575-son) bilan tasdiqlangan Maydoni 2000 kvadrat metrgacha bo‘lgan bo‘sh turgan davlat ko‘chmas mulk obyektlarini hokim yordamchilarining onlayn-buyurtmanomasiga asosan to‘g‘ridan-to‘g‘ri elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish tartibi to‘g‘risidagi nizomda:

1) 1-bandda:

to‘rtinchi va sakkizinchi xatboshilardagi “davlat korxonalarining” va “davlat korxonalari” degan so‘zlar tegishli ravishda “davlat muassasalarining” va “davlat muassasalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

beshinchi xatboshidagi “oliy ta‘lim muassasalari” degan so‘zlar “oliy ta‘lim tashkilotlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 8-bandning ikkinchi xatboshisidagi “davlat korxonasiga” degan so‘zlar “davlat muassasasiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Soliq qo‘mitasi bilan kelishilgan.

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 7-aprelda e‘lon qilingan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.  
Mazkur buyruqning 1-bandi uchinchi va beshinchi xatboshilari 2025-yil 8-maydan e'tiboran kuchga kiradi.

**Direktor**

**A. ORTIKOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 20-mart,  
01/14-23/35-son

*Kelishildi:*

***Iqtisodiyot va moliya vaziri***

***D. KUCHKAROV***

*2025-yil 19-mart*

***Soliq qo'mitasi raisi***

***Sh. KUDBIYEV***

*2025-yil 26-fevral*

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**150** “Qayta ishlashga berilgan xom ashyo bilan bog‘liq operatsiyalarni buxgalteriya hisobida aks ettirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
7-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2086-3*

O‘zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2010-yil 17-fevraldagi 12-son “Qayta ishlashga berilgan xom ashyo bilan bog‘liq operatsiyalarni buxgalteriya hisobida aks ettirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘iga (ro‘yxat raqami 2086, 2010-yil 15-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 10-11-son, 79-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 7-mart,  
237-son

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 8-aprelda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil  
7-martdagi 237-son buyrug'iga  
ILOVA

**“Qayta ishlashga berilgan xom ashyo bilan bog‘liq operatsiyalarni  
buxgalteriya hisobida aks ettirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni  
tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqqa kiritilayotgan o‘zgartirishlar**

1. Buyruq nomidagi “xom ashyo” degan so‘z “xomashyo” degan so‘z bilan almashtirilsin.

2. Nizomda:

1) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Qishloq xo‘jaligi va boshqa tashkilotlarga, shuningdek jismoniy shaxslarga donni qayta ishlash yuzasidan ko‘rsatiladigan xizmatlar bo‘yicha dastlabki hisob (hujjatlarni rasmiylashtirish) O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2006-yil 25-maydagi 95-son qarori bilan tasdiqlangan Don va don mahsulotlarini qabul qilish, saqlash, ichki tashish, qayta ishlash va sotishning dastlabki hisobini yuritish va rasmiylashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga muvofiq amalga oshiriladi.”;

2) 4-banddagi “Buxgalteriya hisobida hujjatlar va hujjatlar aylanuvi to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 1297, 2004-yil 14-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2004-yil, 1-2-son, 24-modda)” degan so‘zlar “Buxgalteriya hisobida hujjatlar va hujjatlar aylanishi to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 3538, 2024-yil 30-iyul)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

3) 5-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“5. Xomashyo va materiallarning xarid qilish qiymati O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (4-sonli BHMS) “Tovar-moddiy zaxiralar”da (ro‘yxat raqami 3259, 2020-yil 30-iyun) belgilangan tartibda aniqlanadi va buxgalteriya hisobining schyotlarida O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (21-sonli BHMS) Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasi va uni qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnomaga (ro‘yxat raqami 3593, 2024-yil 27-dekabr) muvofiq aks ettiriladi.”;

4) 7-bandning “v” kichik bandidagi “umum ishlab chiqarish” degan so‘z “umumiy ishlab chiqarish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

5) 8-bandning birinchi va ikkinchi xatboshilaridagi “nakladnoyi” degan so‘z “yuk xati” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

6) 10-bandda:

“v” kichik bandning ikkinchi xatboshisidagi “umum ishlab chiqarish” degan so‘z “umumiy ishlab chiqarish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“g” kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi “umum ishlab chiqarish” degan so‘z “umumiy ishlab chiqarish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 6010 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar”,

6110 “Ajratilgan bo‘linmalarga to‘lovlar”, 6120 “Shu‘ba va qaram xo‘jalik jamiyatlariga to‘lovlar”, 6990 “Boshqa majburiyatlar” schyoti va boshqa majburiyatlarni hisobga oluvchi schyotlar;”;

“e” kichik bandda:

uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 6010 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar”, 6110 “Ajratilgan bo‘linmalarga to‘lovlar”, 6120 “Shu‘ba va qaram xo‘jalik jamiyatlariga to‘lovlar”, 6990 “Boshqa majburiyatlar” schyoti va boshqa majburiyatlarni hisobga oluvchi schyotlar;”;

beshinchi xatboshidagi “boshqa majburiy to‘lovlar” degan so‘zlar “yig‘imlar” degan so‘z bilan almashtirilsin;

oltinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 6010 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar”, 6110 “Ajratilgan bo‘linmalarga to‘lovlar”, 6120 “Shu‘ba va qaram xo‘jalik jamiyatlariga to‘lovlar”, 6990 “Boshqa majburiyatlar” schyoti va boshqa majburiyatlarni hisobga oluvchi schyotlar;”;

“z” kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi “umumishlabchiqarish” degan so‘z “umumiy ishlab chiqarish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 6010 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar”, 6110 “Ajratilgan bo‘linmalarga to‘lovlar”, 6120 “Shu‘ba va qaram xo‘jalik jamiyatlariga to‘lovlar”, 6990 “Boshqa majburiyatlar” schyoti va boshqa majburiyatlarni hisobga oluvchi schyotlar;”;

“i” kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi “umumishlabchiqarish” degan so‘z “umumiy ishlab chiqarish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit ish haqi bo‘yicha xodimlar bilan hisob-kitoblarni hisobga oluvchi schyotlar (6700), sug‘urta va davlat maqsadli jamg‘armalariga to‘lovlar bo‘yicha joriy qarzlarni hisobga oluvchi schyotlar (6500), boshqa joriy kreditorlik qarzlarni hisobga oluvchi schyotlar (6900) va boshqa tegishli schyotlar;”;

“k” kichik bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 6010 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar”, 6110 “Ajratilgan bo‘linmalarga to‘lovlar”, 6120 “Shu‘ba va qaram xo‘jalik jamiyatlariga to‘lovlar”, 6990 “Boshqa majburiyatlar” schyoti va boshqa majburiyatlarni hisobga oluvchi schyotlar;”;

“l” kichik bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 6010 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar”, 6110 “Ajratilgan bo‘linmalarga to‘lovlar”, 6120 “Shu‘ba va qaram xo‘jalik jamiyatlariga to‘lovlar”, 6990 “Boshqa majburiyatlar” schyoti va boshqa majburiyatlarni hisobga oluvchi schyotlar;”;

“m” kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi “qarz” degan so‘z “qarzar” degan so‘z bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “boshqa majburiy to‘lovlar” degan so‘zlar “yig‘imlar” degan so‘z bilan almashtirilsin;

7) 23-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“23. Hisobvaraƒ-fakturaning shakli va uni rasmiylashtirish tartibi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 14-avgustdagi 489-son qarori bilan tasdiqlangan Hisobvaraƒ-fakturalarning shakllari hamda ularni to‘ldirish, taqdim etish va qabul qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomda belgilangan.”;

8) 24-bandda:

“b” kichik bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 6310 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olingan bo‘naklar — joriy qismi” schyoti;”;

“v” kichik bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit asosiy vositalarning eskirishini hisobga oluvchi schyotlar (0200), nomoddiy aktivlar amortizatsiyasini hisobga oluvchi schyotlar (0500), materiallarni hisobga oluvchi schyotlar (1000), 2510 “Umumiy ishlab chiqarish xarajatlari” schyoti, 6710 “Ish haqi bo‘yicha xodimlar bilan hisob-kitoblar” schyoti, 6520 “Davlat maqsadli jamg‘armalariga to‘lovlar” schyoti va boshqa tegishli schyotlar;”;

“d” kichik bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar” schyoti;”;

“j” kichik bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“debet 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar” schyoti;”;

uchinchi xatboshidagi “qarz” degan so‘z “qarzarlar” degan so‘z bilan almashtirilsin;

“i” kichik bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit materiallarni hisobga oluvchi schyotlar (1000), ish haqi bo‘yicha xodimlar bilan hisob-kitoblarni hisobga oluvchi schyotlar (6700), sug‘urta va davlat maqsadli jamg‘armalariga to‘lovlar bo‘yicha joriy qarzlarni hisobga oluvchi schyotlar (6500) va boshqa tegishli schyotlar;”;

“k” kichik band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“k) buyurtmachidan ilgari olingan bo‘naklar hisobga olinganda:

debet 6310 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olingan bo‘naklar — joriy qismi” schyoti;

kredit 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar” schyoti;”;

“l” kichik bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar” schyoti;”;

“m” kichik bandning ikkinchi xatboshisidagi “qarz” degan so‘z “qarzarlar” degan so‘z bilan almashtirilsin;

9) 1-ilovanning matnidagi “xom ashyo” degan so‘z “xomashyo” degan so‘z bilan almashtirilsin;

10) 2-ilovanning matnidagi “qabul qilish-topshirish dalolatnomasi” va “xom ashyo” degan so‘zlar tegishli ravishda “topshirish yuk xati” va “xomashyo” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

11) 3-ilovaning matnidagi “xom ashyo” degan soʻz “xomashyo” degan soʻz bilan almashtirilsin;

12) 5-ilovaning matnidagi “xom ashyo” degan soʻz “xomashyo” degan soʻz bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**151** “Ta’lim muassasalarining o‘quv va o‘quv-ishlab chiqarish ustaxonalari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
7-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2454-2*

O‘zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi, O‘zbekiston Respublikasining “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi va 2024-yil 7-sentabrdagi O‘RQ–957-son “Ma’muriy islohotlar doirasida ta’lim sohasida davlat boshqaruvi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qonunlariga va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son “Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 1-apreldagi 20-B-son “Ta’lim muassasalarining o‘quv va o‘quv-ishlab chiqarish ustaxonalari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi buyrug‘iga (ro‘yxat raqami 2454, 2013-yil 1-may) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 18-son, 237-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**B. ZAXIDOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 14-mart,  
5-2029/B-son

*Kelishildi:*

**Qurilish va uy-joy kommunal  
xo‘jaligi vaziri**

**Sh. XIDOYATOV**

*2025-yil 28-fevral*

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 8-aprelda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining  
2025-yil 14-martdagi 5-2029/B-son buyrug'iga  
ILOVA

**“Ta’lim muassasalarining o‘quv va o‘quv-ishlab chiqarish  
ustaxonalari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarini  
tasdiqlash haqida”gi buyruqqa kiritilayotgan o‘zgartirishlar**

1. Buyruqning nomi va 1-banddagi “Ta’lim muassasalarining” degan so‘zlar “Ta’lim tashkilotlarining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Qoidalarda:

1) nomi, 3 va 4-boblarning nomi hamda 203-banddagi “Ta’lim muassasalarining” degan so‘zlar “Ta’lim tashkilotlarining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar o‘rta maxsus, professional va oliy ta’lim tashkilotlarining o‘quvchi-talabalarini o‘quv va o‘quv-ishlab chiqarish ustaxonalarida amaliyotlarni o‘tkazish bilan shug‘ullanuvchi ta’lim tashkilotlarida mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

3) 1-banddagi “ta’lim muassasalariga (bundan buyon matnda ta’lim muassasalari deb yuritiladi)” degan so‘zlar “ta’lim tashkilotlariga (bundan buyon matnda ta’lim tashkilotlari deb yuritiladi)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

4) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normalarlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

5) 4, 6, 10, 37, 66, 99, 100, 154, 160, 168 va 175-bandlardagi “Ta’lim muassasalarida” degan so‘zlar “Ta’lim tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

6) 5 va 12-bandlar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin;

7) 8-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“8. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo‘l harakati xavfsizligi xizmati ta’lim tashkilotining mustaqil tarkibiy bo‘linmalari bo‘lib, ular bevosita ta’lim tashkilotining rahbariga bo‘ysunadi.”;

8) 11, 25 va 28-bandlar, 2-bobning 10-paragrafi nomi, 53, 54, 57, 59, 83, 98, 119 va 122-bandlardagi “Ta’lim muassasasi” degan so‘zlar “Ta’lim tashkiloti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

9) 13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha yo‘riqnomalar ishlab chiqiladi hamda ta’lim tashkiloti xodimlarini va ish joylarini ushbu yo‘riqnomalar bilan ta’minlash ta’lim tashkiloti rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

10) 16-banddagi “Ta’lim muassasalaridagi” degan so‘zlar “Ta’lim tashkilotlaridagi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

11) 22 va 95-bandlardagi “Ta’lim muassasalari” degan so‘zlar “Ta’lim tashkilotlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

12) 24, 67, 77, 101 va 125-bandlardagi “ta’lim muassasasi” degan soʻzlar “ta’lim tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

13) 31-banddagi “ta’lim muassasasini” degan soʻzlar “ta’lim tashkilotini” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

14) 34-bandning birinchi xatboshisidagi “Ta’lim muassasasida” degan soʻzlar “Ta’lim tashkilotida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

15) 38 va 96-bandlardagi “ta’lim muassasalarining” degan soʻzlar “ta’lim tashkilotlarining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

16) 42 — 45-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“42. Ta’lim tashkilotlarida xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy koʻrikdan oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizom (roʻyxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim.”;

43. Ta’lim tashkiloti rahbariyati kasaba uyushmasi qoʻmitasi va sogʻliqni saqlash organlari bilan birgalikda har yili davriy (mehnat faoliyati davomida) va dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) majburiy tibbiy koʻrikdan oʻtishi lozim boʻlgan xodimlarning roʻyxatini tuzishi hamda xodimlarning tibbiy koʻrikdan oʻtishini taʼminlashi lozim.

44. Majburiy tibbiy koʻriklar ta’lim tashkilotlariga tibbiy xizmatlar koʻrsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular boʻlmagan taqdirda esa ta’lim tashkiloti joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan oʻtkaziladi.

45. Ta’lim tashkiloti majburiy tibbiy koʻrikdan oʻtmagan yoxud majburiy tibbiy koʻrik natijalariga koʻra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan boʻyin tovlagan xodimlarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

17) 46-banddagi “Davriy tibbiy koʻriklar” va “ta’lim muassasasi” degan soʻzlar tegishli ravishda “Davriy majburiy tibbiy koʻriklar” va “ta’lim tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

18) 48-banddagi “Ta’lim muassasasining” degan soʻzlar “Ta’lim tashkilotining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

19) 49-bandda:

birinchi xatboshidagi “Ta’lim muassasasining” degan soʻzlar “Ta’lim tashkilotining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “QMQ 3.01.05-98 “Tabiiy va sunʼiy yoritish. Loyihalashtirish meʼyorlari”ga” degan soʻzlar “SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sunʼiy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalariga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

20) 52-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“52. Ta’lim tashkiloti maydonlari va binolarining joylashuvi SHNQ 2.09.17-21 “Sanoat korxonalarining bosh rejalarini loyihalash” talablariga mos boʻlishi kerak.”;

21) 60-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“60. Yordamchi binolar va xonalar SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda maʼmuriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalariga muvofiq boʻlishi lozim.”;

22) 70 va 138-bandlardagi “Ta’lim muassasasining” degan soʻzlar “Ta’lim tashkilotining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

23) 71-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“71. Shamollatish va isitish tizimi SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo‘lishi lozim.”;

24) 80-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“80. Suv bilan ta‘minlash va kanalizatsiya tizimi SHNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta‘minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga mos bo‘lishi kerak.”;

25) 84-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“84. Ta‘lim tashkilotida kanalizatsiya tizimi yo‘q bo‘lganda O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasining hududiy boshqarmalari yoki tuman (shahar) bo‘limlari bilan kelishilgan holda ta‘lim tashkilotida yer qatlamini ifloslantirmagan holda dushxonalardan va yuz-qo‘l yuvgichlardan suv oqmaydigan qurilmali axlat o‘ralarining mavjud bo‘lishiga ruxsat etiladi.”;

26) 85-banddagi “QMQ 2.01.05-98” degan so‘zlar “SHNQ 2.01.05-24” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

27) 124-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“124. Ta‘lim tashkilotlarida elektr qurilmalarini o‘rnatish va ulardan foydalanishda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste‘molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari hamda Iste‘molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari va mazkur Qoidalar talablariga rioya qilinishi kerak.”;

28) 126-banddagi “ta‘lim muassasasida” degan so‘zlar “ta‘lim tashkilotida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

29) 201-banddagi “ta‘lim muassasalari” degan so‘zlar “ta‘lim tashkilotlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**152** **Bojxona yuk deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
7-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2773-11*

O‘zbekiston Respublikasining Bojxona kodeksi hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 4-martdagi PQ–109-son “O‘zbekiston — 2030” strategiyasida belgilangan asosiy yo‘nalishlar bo‘yicha islohotlarni amalga oshirishning 2024-yildagi ustuvor chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 11-fevraldagi 77-son “Bojxona ma‘muriyatchiligi tartib-taomillarini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo‘mitasining 2016-yil 29-fevraldagi 01-02/15-07-son qarori (ro‘yxat raqami 2773, 2016-yil 6-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 14-son, 133-modda) bilan tasdiqlangan Bojxona yuk deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 6-mart,  
234-son

*Kelishildi:*

***Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari  
va qonuniy manfaatlarini himoya  
qilish bo‘yicha vakil***

**D. KASIMOV**

*2025-yil 19-fevral*

***Savdo-sanoat palatasi raisi***

**D. VAXABOV**

*2025-yil 17-fevral*

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 8-aprelda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil  
6-martdagi 234-son buyrug'iga  
ILOVA

### **Bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga kiritilayotgan qo'shimcha va o'zgartirishlar**

1. 22-bandning 26-kichik bandida:

quyidagi mazmundagi yigirmanchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“Bunda, TIF TN kodlari 07, 08, 0904, 1008, 1202, 1207409000, 2008191900 bo'lgan tovarlarni rasmiylashtiruvda fitosanitar sertifikatida ko'rsatilgan mahsulot yetishtirilgan tuman (shahar) kodi ko'rsatiladi. Agar fitosanitar sertifikatida ikki yoki undan ortiq tuman (shahar) ko'rsatilgan bo'lsa, har bir hududga tegishli tovarlar alohida tovar sifatida yoziladi.”;

yigirmanchi — yigirma to'rtinchi xatboshilar tegishli ravishda yigirma birinchi — yigirma beshinchi xatboshilar deb hisoblansin.

2. 82-bandning birinchi va ikkinchi xatboshilari “26,” raqamidan keyin “28,” raqami bilan to'ldirilsin.

3. 4-ilovada:

1) 10 — 13-pozitsiyalar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

10.	“Mingtepa” chegara bojxona posti	03005
11.	“Qorasuv” chegara bojxona posti	03006
12.	“Xonobod” chegara bojxona posti	03007
13.	“Pushmon” chegara bojxona posti	03008

”;

2) 16-pozitsiya quyidagi tahrirda bayon etilsin:

16.	“Keskanyor” chegara bojxona posti	03013
-----	-----------------------------------	-------

”.

4. 9 va 11-ilovalar mazkur qo'shimcha va o'zgartirishlarning 1 va 2-ilovalariga muvofiq tahrirda bayon etilsin.

5. 13-ilovada:

1) “Bojxona rasmiylashtiruvi uchun bojxona yig'implari” blokida:

4-pozitsiyaning “To'lov turining nomi” ustunidagi “qayta yuklash” degan so'zlar “yuk” degan so'z bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi 6-pozitsiya bilan to'ldirilsin:

6.	Xalqaro kuryerlik jo'natmalarining (1 kg (brutto) xalqaro kuryerlik jo'natmasi uchun) bojxona rasmiylashtiruvi uchun bojxona yig'implari	15
----	--	----

”;

2) “Boshqa yig‘imlar” blokida:  
quyidagi mazmundagi 7<sup>1</sup>-pozitsiya bilan to‘ldirilsin:

“

7 <sup>1</sup> .	Deklarantning murojaatiga asosan bojxona organi tomonidan tranzit deklaratsiyasiga o‘zgartirish va (yoki) qo‘shimcha kiritilganlik uchun bojxona yig‘imi	47
------------------	--	----

”;

quyidagi mazmundagi 10-pozitsiya bilan to‘ldirilsin:

“

10.	Bir intellektual mulk obyektini bojxona reyestriga kiritilganlik uchun bojxona yig‘imi	54.
-----	--	-----

”.

Bojxona yuk deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi  
to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga kiritilayotgan  
qo‘shimcha va o‘zgartirishlarga  
1-ILOVA

“Bojxona yuk deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi  
to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga  
9-ILOVA

### Bitim xususiyati TASNIFLAGICHI

T/r	Nomi	Kodi
<b>Savdo xususiyatidagi operatsiyalar</b>		
1.	O‘zbekiston Respublikasi valyutasi yoki chet el valyutasida hisob-kitob qilishni nazarda tutuvchi savdo operatsiyalari (2 — 13-bandlar bundan mustasno)	01
2.	Birja savdolari orqali operatsiyalar	02
3.	Konsignatsiya tartibidagi operatsiyalar	03
4.	Markazlashgan tartibdagi operatsiyalar	04
5.	Barter tartibidagi operatsiyalar	05
6.	Lizing tartibidagi operatsiyalar	06
7.	Keyinchalik xorijga sotish maqsadida tovarlarni bojxona hududiga olib kirib, “bojxona ombori”, “erkin ombor” yoki “erkin bojxona zonasi” bojxona rejimlariga joylashtirish bo‘yicha operatsiyalar	07
8.	Bojxona hududiga olib kirib, xorijga sotish maqsadida “bojxona ombori”, “erkin ombor” yoki “erkin bojxona zonasi” bojxona rejimlariga joylashtirilgan tovarlarni “reeksport” bojxona rejimiga rasmiylashtirish bo‘yicha operatsiyalar	08

9.	Xorijiy buyurtmachi talabi bo'yicha bojxona hududida yoki rezident shaxs talabi bo'yicha bojxona hududidan tashqarida amalga oshiriladigan qayta ishlash operatsiyalari (xizmat)	09
10.	Xorijiy buyurtmachi mavjud bo'lmagan holda amalga oshiriladigan qayta ishlash operatsiyalari	10
11.	Bojxona hududida qayta ishlangan tovarlarni keyingi qayta ishlashga topshirish bo'yicha operatsiyalar (kooperatsiya)	11
12.	Tijorat banklari orqali hisob-kitob qilinmaydigan savdo operatsiyalari	12
13.	Boshqa turdagi savdo operatsiyalari	13
<b>Nosavdo xususiyatidagi operatsiyalar</b>		
1.	Beg'araz yordam va (yoki) homiylik operatsiyalari	81
2.	Texnik yordam operatsiyalari	82
3.	Hadya sifatidagi operatsiyalari	84
4.	Namuna va (yoki) sinov sifatidagi operatsiyalar	85
5.	Xorijiy davlatlar granti bo'yicha operatsiyalar	86
6.	Gumanitar yordam operatsiyalari	87
7.	Tovarlarni ustav kapitaliga kiritish operatsiyalari	88
8.	O'zbekiston Respublikasi valyutasi yoki chet el valyutasida hisob-kitob qilish nazarda tutilmagan boshqa turdagi nosavdo operatsiyalar	89

”

Bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish tartibi  
to'g'risidagi yo'riqnomaga kiritilayotgan  
qo'shimcha va o'zgartirishlarga  
2-ILOVA

“Bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish tartibi  
to'g'risidagi yo'riqnomaga  
11-ILOVA

**Tovarlarni olib o'tish xususiyatlari  
TASNIFLAGICHI**

<b>T/r</b>	<b>Nomi</b>	<b>Kodi</b>
1.	Avariya, halokatlar va tabiiy ofatlarning natijalarini bartaraf etish maqsadida olib o'tiladigan qaytarilishi lozim bo'lgan tovarlar	105
2.	Xalqaro tashuvlarni amalga oshiruvchi transport vositalarining normal ekspluatatsiyasi uchun zarur bo'lgan moddiy-texnika ta'minoti buyumlari, asbob-uskunalar, yonilg'i, oziq-ovqat va boshqa mol-mulkni olib o'tish	007
3.	O'zbekistonga tegishli O'zbekiston shaxslari tomonidan ijaraga olingan kemalar (havo yoki dengiz) faoliyatini ta'minlash uchun O'zbekiston Respublikasi bojxona hududidan olib chiqilayotgan moddiy-texnik ta'minot buyumlari va anjomlari, yonilg'i va moylash materiallari (shu jumladan bunkerlash uchun), oziq-ovqat va boshqa mol-mulk	008
4.	O'zbekiston kemalaridan va O'zbekiston shaxslari tomonidan ijaraga olingan kemalardan dengiz mahsulotlarini olib kirish	009
5.	O'zbekiston Respublikasining chet eldagi elchixonalari, konsulliklari, xalqaro tashkilotlar qoshidagi vakolatxonalari va boshqa rasmiy vakolatxonalari faoliyatini ta'minlash uchun tovarlarni olib chiqish	012
6.	Xorijiy davlatlarning elchixonalari, konsulliklari va boshqa rasmiy vakolatxonalari, xalqaro tashkilotlarning vakolatxonalari faoliyatini ta'minlash uchun tovarlarni olib kirish va (yoki) ularni qaytarib olib chiqish	013
7.	Turli ishlarni amalga oshirayotgan O'zbekistonlik personalning shaxsiy foydalanilishi uchun korxonalar tomonidan O'zbekiston Respublikasidan olib chiqilayotgan tovarlar	042
8.	O'zbekiston Respublikasi hududidan tashqarida joylashgan O'zbekiston Respublikasining tijorat va notijorat tashkilotlari yoki O'zbekiston Respublikasi korxonasi va tashkilotlari bo'ysunuvidagi tijorat va notijorat tashkilotlar faoliyatini ta'minlash uchun O'zbekiston Respublikasidan olib chiqilayotgan tovarlar (mazkur ilovaning 5-bandi bundan mustasno)	043

9.	Muomalaga chiqarilgan milliy va xorijiy valyuta (numizmatika maqsadlarida foydalaniladiganlari bundan mustasno), qimmatli qog'ozlar, banknota, tangalar va monetar oltinni olib o'tish	017
10.	Garov hisobidan tovarlarni yetkazib berish	034
11.	Kafolat xizmatini ko'rsatish doirasida tovarlarni olib o'tish	018
12.	Reklamatsiya bo'yicha olib o'tilayotgan tovarlar	039
13.	Ko'rgazma eksponatlari	021
14.	Tomosha va sport tadbirlari uchun tovarlarni yetkazib berish	026
15.	Tovarlarini namuna va nusxa sifatida olib o'tish	031
16.	Qaytarilishi lozim bo'lgan, ko'p foydalaniladigan tarani olib o'tish	028
17.	Zarur hujjatlar (bundan ruxsat etish xususiyatiga ega hujjatlar mustasno) va ma'lumotlar taqdim etilmaganligi sababli shartli chiqarib yuborilgan tovarlar	036
18.	Bojxona to'lovlari shartli bojxona qiymatini aniqlash asosida to'langanligi sababli shartli chiqarib yuborilgan tovarlar	058
19.	Tashqi iqtisodiy faoliyat tovar nomenklaturasi bo'yicha tovarlar kodini shartli belgilanganligi sababli shartli chiqarib yuborilgan tovarlar	059
20.	Mahsulotlarni taqsimlash bo'yicha bitimlar doirasida tovarlarni olib o'tish	062
21.	Aniq bir mijoz ehtiyoji uchun ishlab chiqarilgan dasturiy ta'minot yozilgan axborot tashish vositalari yoki identifikatsiyalanadigan har qanday turdagi asarlarning asl nusxalari	070
22.	Tovarlarini ta'mirlash uchun bojxona hududida qayta ishlash rejimi ostida olib kirish va (yoki) bojxona hududida qayta ishlash bojxona rejimi ostida ta'mirlangan tovarlarni qaytarib olib chiqish	040
23.	Tovarlarini ta'mirlash uchun bojxona hududidan tashqarida qayta ishlash rejimi ostida olib chiqish va (yoki) bojxona hududidan tashqarida qayta ishlash bojxona rejimi ostida ta'mirlangan tovarlarni qaytarib olib kirish	080
24.	Bojxona hududida qayta ishlash bojxona rejimiga joylashtirilgan tovarlarni qayta ishlash natijasida olingan qayta ishlash mahsulotlari, hosil bo'lgan chiqindilar va qoldiqlarni erkin muomalaga chiqarish (import) bojxona rejimiga joylashtirish yoki bojxona hududidan tashqarida qayta ishlash bojxona rejimiga joylashtirilgan tovarlarni qayta ishlash natijasida olingan qayta ishlash mahsulotlari, hosil bo'lgan chiqindilar va qoldiqlarni eksport bojxona rejimiga joylashtirish (ushbu rejimlarda ta'mirlangan tovarlar bundan mustasno)	090
25.	Erkin bojxona zonasi (IM 71), boj olinmaydigan savdo (IM 72) va erkin ombor (IM 73) bojxona rejimlariga joylashtirilgan tovarlarni O'zbekiston Respublikasi bojxona hududidan olib chiqish	047

26.	Erkin bojxona zonasi (EK 71), boj olinmaydigan savdo (EK 72) va erkin ombor (EK 73) bojxona rejimlariga joylashtirilgan tovarlarni qaytarib olib kirish	175
27.	Avval vaqtinchalik saqlash, bojxona ombori, bojxona tranziti rejimlariga joylashtirilgan va (yoki) hech qanday rejimga olinmagan tovarlarni qaytarib olib chiqish (ular avval boshqa rejimlarga joylashtirilgan holatlar bundan mustasno)	078
28.	Bir yildan kam muddatga vaqtinchalik olib kirilayotgan yoki vaqtinchalik olib chiqilayotgan tovarlar	023
29.	Avval bir yilgacha bo'lgan muddatga vaqtinchalik olib kirish bojxona rejimiga joylashtirilgan tovarlarni qaytarib olib chiqish yoki avval bir yilgacha bo'lgan muddatga vaqtinchalik olib chiqish bojxona rejimiga joylashtirilgan tovarlarni qaytarib olib kirish	123
30.	Avval bir yil va undan ko'p muddatga vaqtinchalik olib kirish bojxona rejimiga joylashtirilgan tovarlarni erkin muomalaga chiqarish (import) bojxona rejimiga joylashtirish yoki avval bir yil va undan ko'p muddatga vaqtinchalik olib chiqish bojxona rejimiga joylashtirilgan tovarlarni eksport bojxona rejimiga joylashtirish	223

”

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**153** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил  
9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3616*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги 234-сон «Вазирлар Маҳкамасининг «Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарорига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 10-сон, 83-модда) билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхати 1-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Мудофаа вазири**

**Ш. ХАЛМУХАМЕДОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 19 март,  
2-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 9 апрелда эълон қилинган.

**Иқтисодиёт ва молия вазири****Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 17 март,  
240-сон

**Ички ишлар вазири****А. ТАШПУЛАТОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 15 март,  
16-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Мудофаа вазирлигининг 2025 йил 19 мартда-  
ги 2-сон, Ички ишлар вазирлигининг  
2025 йил 15 мартдаги 16-сон, Иқтисодиёт ва  
молия вазирлигининг 2025 йил 17 мартдаги  
240-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**«Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида  
хизматни ўтаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган  
Ўзбекистон Республикаси фуқаролари  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Ф.И.О.</b>	<b>Туғилган йили</b>
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>		
1.	Чимбергенов Махсет	1949 й.
2.	Шамуратов Муратбай Хайтбаевич	1971 й.
3.	Мадреимов Садулла	1955 й.
4.	Толибаев Али	1949 й.
5.	Эримбетов Эркинбай Курбанбаевич	1950 й.
6.	Тилавов Сапарбай Аллаярович	1958 й.
7.	Хидиров Адамбай	1958 й.
8.	Абдурахманов Махмуд Ибрагимович	1958 й.
9.	Науризбаев Джумагали Муратбаевич	1962 й.
10.	Атамуратов Оралбай Жуманазарович	1962 й.
11.	Кадиров Руслан Жуманиязович	1962 й.
12.	Султанов Амангелди Ембергенович	1962 й.
13.	Камалов Турсинбай Жумабаевич	1962 й.
14.	Саекеев Куандик Алимбетович	1962 й.
15.	Алламбергенов Мақсетбай Сарсенбаевич	1962 й.
16.	Абдужаббаров Хожамет Абдусаметович	1962 й.
17.	Туремуратов Сатбай Дуйсенбаевич	1967 й.

<b>Андижон вилояти</b>		
1.	Абдуллаев Шухратбек Солижонович	1968 й.
2.	Абдурайимов Мерган	1953 й.
3.	Кахаров Махамаджон Расулович	1956 й.
4.	Сайдалиев Саидазим Марибжонович	1965 й.
5.	Солиев Абдукарим	1950 й.
6.	Тургунов Оббосхон	1955 й.
<b>Бухоро вилояти</b>		
1.	Гуломов Холикжон Мухаммедович	1959 й.
2.	Шарипов Эргаш Рашидович	1959 й.
3.	Шамурадов Маруф Эргашевич	1960 й.
4.	Салихов Мухитдин Сатридинович	1959 й.
5.	Самандаров Нормурод Тўхтаевич	1959 й.
6.	Мамиров Тўрахон Жўраевич	1956 й.
7.	Виноградов Александр Леонидович	1964 й.
<b>Жиззах вилояти</b>		
1.	Инатов Баходир Пардаевич	1970 й.
2.	Маматов Ахмат Рахматович	1960 й.
3.	Нормурадов Шукур	1942 й.
4.	Тоштемиров Олим	1957 й.
5.	Сирлибоев Холдор	1942 й.
6.	Суванов Гулом	1944 й.
7.	Хайдаров Фани	1942 й.
8.	Ўролов Пўлат Камол ўғли	1947 й.
9.	Азизов Амин Ҳакимович	1959 й.
10.	Ахмедов Сапарбек Асилович	1960 й.
11.	Ҳакимов Бахридин Бурибайевич	1960 й.
<b>Қашқадарё вилояти</b>		
1.	Махмудов Усан Аннаевич	1972 й.
2.	Эшонқулов Болта	1947 й.
<b>Навий вилояти</b>		
1.	Азалов Юсуф Алиевич	1970 й.
2.	Бабаев Неъматжан Рахматович	1957 й.
3.	Рахматов Бахтиёр Негматуллаевич	1967 й.
4.	Тожиев Рашид Халбаевич	1964 й.
5.	Красавин Анатолий Васильевич	1942 й.
<b>Наманган вилояти</b>		
1.	Джапарходжаев Абдулла Таджибаевич	1952 й.
2.	Абдурахимов Шухрат Абдукаримович	1955 й.
3.	Сахибов Алижон Мамедалевич	1953 й.
<b>Самарқанд вилояти</b>		
1.	Ахмедов Дусмухаммат Арзикулович	1947 й.
2.	Ахмедов Рахмат	1947 й.

3.	Булаков Алиқул	1953 й.
4.	Ганиев Неъмат Отакулович	1949 й.
5.	Джумаев Ганишер Раимович	1962 й.
6.	Ибрагимов Насрдин Норбекович	1949 й.
7.	Козаков Эшдавлат	1941 й.
8.	Каюпов Асхад Умирзакович	1969 й.
9.	Кравченко Анатолий Владимирович	1946 й.
10.	Қўчқаров Хужақул	1949 й.
11.	Мамадалиев Эркин	1949 й.
12.	Мансуров Маруфжон Евгеньевич	1947 й.
13.	Мардиев Митан	1949 й.
14.	Норбеков Сахадин	1949 й.
15.	Обруев Ҳамроқул	1945 й.
16.	Пирниязов Нурмурот	1949 й.
17.	Саттаров Пардавой	1953 й.
18.	Суяров Хамза	1949 й.
19.	Тоҳиров Абулқосим Даминович	1947 й.
20.	Тухсанов Ташкент	1947 й.
21.	Убайдуллаев Эшпулат	1953 й.
22.	Усманов Шарифбой Шодманович	1959 й.
23.	Усмонов Урол Ахмадович	1949 й.
24.	Хасанов Эркин	1949 й.
25.	Химматов Нурилло Хафизович	1967 й.
26.	Хусанов Усман Хандамович	1963 й.
27.	Хушвақтов Мамарахим	1947 й.
28.	Ялгашев Нуриддин	1949 й.
29.	Назирбердиев Кулмурад	1946 й.
30.	Митанов Эшназар	1949 й.
31.	Курдашов Беркин Курдашович	1946 й.
32.	Раззоқов Исмоил Иргашович	1954 й.
33.	Элибоев Бобоқул	1953 й.
34.	Расулев Қаҳромон Ирназарович	1954 й.
35.	Ахтамов Баҳром	1954 й.
36.	Каримов Абдиқаҳор	1953 й.
37.	Махмудов Рауф	1948 й.
38.	Гичунц Валерий Мушехович	1947 й.
39.	Шомуратов Очил	1953 й.
40.	Абдиганиев Холмирза	1949 й.
41.	Бурханов Сурман	1949 й.
42.	Давилов Сайтқул	1949 й.
43.	Қабиллов Искандар Сиддиқович	1949 й.
44.	Қувондиқов Али Жўраевич	1953 й.
45.	Қабиллов Чоршамбой Алимович	1954 й.

46.	Орипов Маруп	1949 й.
47.	Тоштемиров Шодмон	1949 й.
48.	Хакимов Бурон Каршиевич	1949 й.
49.	Шукуров Сайдазим Муротович	1948 й.
50.	Аббазов Асрал	1953 й.
51.	Кадиров Ходикул Амонович	1949 й.
52.	Шамурзаев Ахрор	1953 й.
53.	Турсинов Базарбой Абдисаламович	1960 й.
54.	Очилов Асомиддин Бердиевич	1957 й.
<b>Сурхондарё вилояти</b>		
1.	Юсупов Курбанмурат Мирзаевич	1964 й.
2.	Джураев Бабакул	1947 й.
3.	Хидиров Сафар Алмарданович	1947 й.
4.	Суховетченко Юрий Борисович	1947 й.
5.	Муратов Усман Худайшукурович	1947 й.
6.	Каршиев Чори	1947 й.
7.	Худайназаров Азам Абдуллаевич	1947 й.
8.	Қурбанов Абдулло	1946 й.
<b>Сирдарё вилояти</b>		
1.	Османов Ибрагим Абдурашитович	1959 й.
2.	Расулов Турдибай Каршибаевич	1947 й.
3.	Салихов Курбанбай Сайпович	1958 й.
4.	Ташметов Рахимбек Гаипович	1942 й.
5.	Хидиров Холбек Назарович	1957 й.
<b>Тошкент вилояти</b>		
1.	Айнабеков Эркинбек Мелдебекович	1971 й.
2.	Ахмедов Иброхим Рахманович	1971 й.
3.	Бабамуратов Рахим Ишанович	1960 й.
4.	Давранов Тўлқин	1946 й.
5.	Жўраев Баходир Исакович	1972 й.
6.	Ибрагимов Қоршибой	1940 й.
7.	Исламходжаев Муродходжа Мухамадходжаевич	1967 й.
8.	Исмагулов Саиткарим	1947 й.
9.	Мавлонов Қодиркул Оқбоевич	1962 й.
10.	Мадьярлов Гуломдин	1956 й.
11.	Пинаев Сергей Иванович	1950 й.
12.	Пирматов Тойир Агзамович	1945 й.
13.	Сайдазимов Хамидулло Сайдумарович	1941 й.
14.	Суннатов Рихсибай	1951 й.
15.	Тожибоев Боходир Мирсоатович	1962 й.
16.	Тўлаганов Мухидин Махкамбоевич	1962 й.
17.	Умурзаков Эркин	1947 й.
18.	Хожимухамедов Абдижаббор	1947 й.

19.	Хасилов Тулкин Алимович	1962 й.
20.	Эгамбердиев Бахтиёр Махамаджанович	1970 й.
21.	Эшанов Нарходжа Ганиевич	1957 й.
22.	Юсупджанов Абдусалам	1951 й.
23.	Рустамов Дароб Эргашевич	1950 й.
24.	Жўраев Бахтиёр Облоқулович	1950 й.
25.	Жамилов Миркомил	1950 й.
26.	Жўраев Жамол	1950 й.
27.	Вакиев Халил	1950 й.
28.	Исмоилов Саидгани	1950 й.
29.	Рискибоев Атхамбой	1950 й.
30.	Дадахўжаев Сайфулла	1950 й.
31.	Суннатов Хакимбой	1950 й.
32.	Жўрабоев Йўлдашвай	1950 й.
33.	Кабилов Хусен	1950 й.
34.	Сатиболдиев Абдували	1950 й.
35.	Нуралиев Нуриддин Турдиевич	1950 й.
36.	Гопуров Ақром Ганиевич	1950 й.
37.	Аманов Мирагзам	1949 й.
38.	Мусурмонкулов Абдуназар Ниёзалиевич	1950 й.
39.	Абдивойтов Тўлаган	1950 й.
40.	Анаркулов Авалбай	1950 й.
41.	Иргашев Абдуллахон	1949 й.
42.	Каланов Срожитдин	1950 й.
43.	Мирхайтов Миржўра	1950 й.
44.	Мамадалиев Шерали Анварович	1950 й.
45.	Нуритдинов Асатилла Тиллабаевич	1950 й.
46.	Сапаров Ражабқул Маҳкамович	1950 й.
47.	Солиев Эргашбой	1949 й.
48.	Соатов Шухрат Учқунович	1950 й.
49.	Убайдуллаев Султанбай	1950 й.
50.	Усмоналиев Обидали	1950 й.
51.	Маспаров Юнусбек	1946 й.

**Фарғона вилояти**

1.	Омонов Набижон Абдужалилович	1970 й.
2.	Аскарлов Юнусали Мехмонкузиевич	1971 й.
3.	Ерматов Толиб Холматович	1961 й.
4.	Қадилов Жума Ибрагимович	1968 й.
5.	Каримов Мухтор Марипович	1967 й.
6.	Кобилов Музаффар Комилович	1965 й.
7.	Кулдашев Фахриддин Юсупович	1972 й.
8.	Курбонов Абдуғани Абдувалиевич	1966 й.
9.	Махсудов Мухтор Махмудович	1964 й.

10.	Маматов Азамат Акрамжонович	1964 й.
11.	Маматов Бахтиярходжа Ходиходжаевич	1964 й.
12.	Мелибоев Мирзаакрам Комилович	1968 й.
13.	Мелибоев Шухратжон Маликжонович	1964 й.
14.	Мирвалиев Зафаржон Рахмонович	1971 й.
15.	Номозов Носир Кимсанович	1965 й.
16.	Норбоев Мирзали Асқарович	1961 й.
17.	Носиржонов Рузиматжон Зокирович	1963 й.
18.	Нурматов Аъзамжон Эшматович	1970 й.
19.	Нурматов Шарифжон Обидович	1970 й.
20.	Салиев Азамжон Мамаджанович	1968 й.
21.	Салиев Сабиржон Гуламович	1966 й.
22.	Солиев Улмасали Якубович	1958 й.
23.	Умаров Алижон Акбарович	1965 й.
24.	Умаров Бахтиёр Тожиматович	1973 й.
25.	Хайдаров Махмуд Назирович	1959 й.
26.	Хамракулов Закирджон Кадинович	1962 й.
27.	Хасанов Мирзаакбар Мухамаджонович	1972 й.
28.	Шомуратов Вохобжон Холматович	1967 й.
29.	Эгамбердиев Мамиржон Абдуллаевич	1960 й.
30.	Щеголев Александр Николаевич	1956 й.
31.	Рахимов Махмуджон	1941 й.
32.	Машарипов Қосимжон	1947 й.

**Тошкент шаҳри**

1.	Абдидов Азиз Туляганович	1932 й.
2.	Азизов Вагиф Аминага-огли	
3.	Вахидов Рашид	1956 й.
4.	Гладков Владимир Владимирович	1939 й.
5.	Исакова Надежда Михайловна	1967 й.
6.	Маргун Алексей Иванович	1948 й.
7.	Недобежкин Владимир Алексеевич	1949 й.
8.	Погосова Светлана Юрьевна	1946 й.
9.	Пўлатов Рустамжон	1960 й.
10.	Савиных Валентин Федорович	1949 й.
11.	Хаккулов Зокир Бахромович	1947 й.
12.	Хасанов Зиёмидин Гуламидинович	1962 й.
13.	Хасанов Могсум Мерденович	1951 й.
14.	Хасанов Фирутдин Нуруллаевич	1951 й.
15.	Яшузаков Амир Батирович	1960 й.
16.	Тагаев Сайиткул Журакулович	1945 й.
17.	Абдулов Илсуяр Шафигович	1950 й.
18.	Ботсманов Владимир Григоревич	1948 й.
19.	Юнкова Маргарита Гиниятовна	1949 й.

20.	Гиязов Фаттах Паязович	1959 й.
21.	Касимов Мирза-Насир Муратович	1960 й.
22.	Глазунов Владимир Иванович	1959 й.
23.	Алишеров Бердиер Саитханович	1960 й.
24.	Юсупов Миробид Мирсалихович	1963 й.

*Изоҳ: Республика бўйича жами 225 киши.».*

Ўзбекистон Республикаси  
Мудофаа вазирлигининг 2025 йил 19 мартда-  
ги 2-сон, Ички ишлар вазирлигининг  
2025 йил 15 мартдаги 16-сон, Иқтисодиёт ва  
молия вазирлигининг 2025 йил 17 мартдаги  
240-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 27 декабрдаги 36-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 17 декабрдаги 68ққ-сон, Молия вазирлигининг 2022 йил 26 декабрдаги 69-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3408, 2022 йил 28 декабрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.12.2022 й., 10/22/3408/1128-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2024 йил 29 мартдаги 9-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2024 йил 19 мартдаги 1-сон, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 20 майдаги 116-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3511, 2024 йил 16 апрель) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.04.2024 й., 10/24/3511/0280-сон).

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**154** **Temir yo‘l transporti ta‘mirlash tashkilotlari xodimlari  
uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga o‘zgartirishlar  
va qo‘shimcha kiritish to‘g‘risida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
9-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2068-3*

O‘zbekiston Respublikasining “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 24-maydagi PF–79-son “Yer qa‘ridan foydalanish, sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi hamda atom energiyasidan foydalanish sohalarida davlat boshqaruvi va nazorati tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 14-noyabrdagi 758-son “O‘zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksini amalga oshirishga oid normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 28-dekabrda 82-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2068, 2010-yil 15-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 1-2-son, 18-modda) bilan tasdiqlangan Temir yo‘l transporti ta‘mirlash tashkilotlari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

Toshkent sh.,  
2025-yil 27-mart,  
4-2025/B-son

**B. ZAXIDOV**

*Kelishildi:*

**Qurilish va uy-joy kommunal  
xo‘jaligi vaziri**

*2025-yil 21-mart*

**Sh. XIDOYATOV**

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 11-aprelda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining  
2025-yil 27-martdagi 4-2025/B-son buyrug'iga  
ILOVA

**Temir yo'l transporti ta'mirlash tashkilotlari xodimlari uchun  
mehnatni muhofaza qilish qoidalariga kiritilayotgan  
o'zgartirishlar va qo'shimcha**

1. 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”.

2. 5, 6 va 13-bandlar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

3. 8-bandning birinchi xatboshisi quyidagi mazmundagi jumla bilan to'ldirilsin:

“Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo'lgan tashkilotda yo'l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo'l harakati xavfsizligi bo'yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.”.

4. 9-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo'l harakati xavfsizligi xizmati tashkilotning mustaqil tarkibiy bo'linmalari bo'lib, ular bevosita tashkilot rahbariga bo'ysunadi.”.

5. 14-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“14. Ishlarni texnologik reglament bo'yicha xavfsiz yuritish yo'riqnomalari ishlab chiqiladi va ishlovchilar hamda ish joylarini shu yo'riqnomalar bilan ta'minlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”.

6. 29-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“29. Tashkilot xodimlari ishlarni bajarishning xavfsiz uslublari va usullari hamda ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalardan jabrlanganlarga yordam ko'rsatishga o'qitilib, olingan bilimlari tekshiruvdan o'tkazilgandan so'ng temiryo'l transportini ta'mirlash jarayonida ishtirok etishga ruxsat etilishi lozim.”.

7. 36-banddagi “davriy tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar “davriy (mehnat faoliyati davomida) hamda dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) majburiy tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

8. 38-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“38. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko'rikdan o'tmagan yoxud majburiy tibbiy ko'rik natijalariga ko'ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo'yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”.

9. 40-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“40. Majburiy tibbiy ko'riklar tashkilotga tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo'lmagan taqdirda esa tashkilot joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o'tkaziladi. Majburiy tibbiy ko'riklar davolash-sog'lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.”.

10. 41 va 42-bandlardagi “tibbiy” degan soʻz “majburiy tibbiy” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

11. 44-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“44. Tashkilot maydonlari va binolarni joylashuvi SHNQ 2.09.17-21 “Sanoat korxonalarining bosh rejalarini loyihalash” talablariga mos boʻlishi kerak.”.

12. 54 va 55-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“54. Ishlab chiqarish binolari va inshootlari SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda maʼmuriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga mos kelishi kerak.

55. Yordamchi binolar va xonalar SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda maʼmuriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga mos kelishi lozim.”.

13. 63-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“63. Shamollatish va isitish SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” talabiga muvofiq boʻlishi lozim.”.

14. 2-bobning 11-paragrafidagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlar” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

15. 69-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“69. Suv bilan taʼminlash va oqova suvlar tizimi SHNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”.

16. 70-banddagi “kanalizatsiyaga” degan soʻz “oqova suvlariga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

17. 76-banddagi “kanalizatsiyalangan” degan soʻz “oqova suvlar tizimiga ulangan” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

18. 77-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“77. Tashkilotda oqova suvlar tizimi yoʻq boʻlganda Oʻzbekiston Respublikasi Sogʻliqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qoʻmitasining hududiy boshqarmalari yoki tuman (shahar) boʻlimlari bilan kelishilgan holda tashkilotda yer qatlamini ifloslantirmaslikka va ishlab chiqarish oqova suvlariga dushxonalaridan va yuz-qoʻlyuvgichlardan suv oqmaydigan qurilmali axlat oʻralariga ruxsat etiladi.”.

19. 78-banddagi “QMQ 2.01.05-98” degan soʻzlar “SHNQ 2.01.05-24” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

20. 85-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“85. Tashkilotlarda xodimlarning ish vaqti, dam olish vaqti, shuningdek qisqartirilgan ish vaqti Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 14-noyabrdagi 758-son qarori bilan tasdiqlangan Oʻta zararli va oʻta xavfli mehnat sharoitlaridagi ishlarda band boʻlgan xodimlar uchun ish vaqtining cheklangan davomiyligining talablari inobatga olingan holda, tashkilotlarning ichki mehnat qoidalari asosida belgilanadi.”.

21. 140-banddagi “Sanoat xavfsizligi davlat qoʻmitasida” degan soʻzlar “Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qoʻmitasida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

22. 141 va 142-bandlardagi “Sanoat xavfsizligi davlat qoʻmitasi” degan

soʻzlar “Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qoʻmitasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

23. 162-banddagi “tibbiy” degan soʻz “majburiy tibbiy” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**155** Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил  
9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-9*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ–184-сон «Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 октябрдаги 272-сон «Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 28 октябрдаги 228-сон буйруғи (рўйхат рақами 3097, 2018 йил 11 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.12.2018 й.,10/18/3097/2314-сон) билан тасдиқланган Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. КУДРАТХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 11 март,  
1/4/27-393-сон

*Келишилди:*

*Тадбиркорлик субъектларининг  
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

**Д. КАСИМОВ**

*2025 йил 27 февраль*

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 11 апрелда эълон қилинган.

*Ижтимоий ҳимоя миллий  
агентлиги директори*

**М. ОЛЛОЁРОВ**

*2025 йил 21 февраль*

*Ўзбекистон техник жиҳатдан  
тартибга солиш агентлиги  
директори*

**А. ЖУМАНАЗАРОВ**

*2025 йил 19 февраль*

*Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазири*

**Ш. ХИДОЯТОВ**

*2025 йил 15 февраль*

*Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси раиси*

**Д. ВАХАБОВ**

*2025 йил 6 март*

Ўзбекистон Республикаси  
фавқулодда вазиятлар вазирининг 2025 йил  
11 мартдаги 1/4/27-393-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил  
этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
қиритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 1-банд қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«чеклист — профилактика тадбири доирасида тадбиркорлик субъекти томонидан тўлдирилаётган намунавий шаклдаги саволнома;

«Хавфни таҳлил қилиш» электрон тизими — ДЁН органлари томонидан ёнғин хавфсизлиги соҳаси бўйича аниқ мезонларга асосланиб, тадбиркорлик субъекти фаолиятида қонунчилик бузилиш хавфи даражасини аниқлаш электрон тизими.».

2. 24-банднинг еттинчи хатбошисидан «текширув ўтказиш келишилганлиги ёки ваколатли орган текширув ҳақида хабардор этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 27<sup>1</sup>-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27<sup>1</sup>. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувларни ўтказиш «Хавфни таҳлил қилиш» электрон тизими натижалари асосида (бундан аниқ факт ва ҳоллар бўйича фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлиги, атроф-муҳитга, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиш хавфининг олдини олиш ёки бартараф этишга қаратилган ҳолатлар мустасно) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор этган ҳолда «Ягона давлат назорати» ахборот тизимида рўйхатга олиш орқали амалга оширилади.».

4. 27<sup>3</sup>-бандда:

қўйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«тадбиркорлик субъектларига ўрнатилган тартибда тасдиқланган чеклист тақдим этиш, чеклист тўлдирилиши натижалари бўйича улар фаолиятида қонунбузилишларга олиб келиши мумкин бўлган камчиликларни бартараф этишга қўмаклашиш.»;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5. 34-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Уй-жой секторининг ҳудудида ҳамда кўп квартирали уйларга таташ бўлган ер участкаларида, шунингдек, кўп квартирали уйлардаги умумий мол-мулкда (яшаш учун мўлжалланмаган жойларда жойлашган савдо, маиший ва носаноат йўналишидаги ўзга эҳтиёжларга мўлжалланган жойлар бундан мустасно) ва давлат уй-жой фондига қарашли кўп квартирали уйларнинг квартираларида мавжуд бўлган ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилишини бартараф этиш бўйича ёзма кўрсатмалар тегишли равишда кўп квартирали уйларни бошқариш органларига (кўп квартирали уйни бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчиси, кўп квартирали уй кенгаши, уй-жой мулкдорла-

ри ширкати), давлат муассасалари ва ташкилотларига ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари топширилади.

Хусусий уй-жой фондига қарашли якка тартибда қурилган уйлар ва кўп квартиралли уйларнинг квартираларида ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилишини бартараф этиш бўйича ёзма кўрсатмалар хусусий мулк эгаларига (ижарачиларга) берилади.».

6. 108-бандда:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«далилларни олиш далолатномаси (текширув ўтказаетган шахс томонидан эркин равишда тузилиб, ҳолислар томонидан имзоланади. Барча далиллар ва уларни олиш жойлари воқеа (ёнғин) жойини кўздан кечириш баённомаси ёки далилларни олиш махсус баённомасида батафсил тавсифланади. Намуналар олинган барча нуқталар ёнғин жойининг чизмасида белгиланади ва зарур ҳолларда қисқа шарҳланади);»;

саккизинчи хатбошидаги «ашёвий далиллар ва бошқаларга» деган сўзлар «далиллар ва бошқаларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 2<sup>1</sup>-иловада:

1) 3-бандда:

ўн бешинчи хатбошидаги «саховат уйлари, мурувват уйлари» деган сўзлар «ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари, мурувват интернат уйлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирма иккинчи хатбоши «масканлари» деган сўздан кейин «(бундан тез овқатланиш шохобчалари мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

йигирма еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«янги қурилатган, реконструкция қилинаётган, кенгайтирилатган, техник жиҳатдан қайта жиҳозланаётган ва капитал таъмирланаётган объектлар (қурилиш ҳажми 300 куб м гача бўлган объектлар бундан мустасно);»;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«божхона омборлари;

йўловчи ва юк ташувчи автотранспорт корхоналари;

сигимидан қатъи назар товар-юк сақлаш омборлари.»;

2) 4-бандда:

учинчи хатбошидан «мингдан кўп ўринга мўлжалланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши «супермаркетлар» деган сўздан кейин «ва майдони ҳамда ҳажмидан қатъи назар бошқа савдо корхона (шохобча)лари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўққизинчи хатбошидан «15,5 м (беш қават)дан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«тез овқатланиш шохобчалари;

мобиль алоқа ва интернет компанияларининг офислари;

алоқа ва бошқа муҳандислик-коммуникация тизимлари (иншоотлари);

аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари;

бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари;

интернет дўконлари ва уларнинг объектлари;

почта ва касса шохобчалари;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат органлари ва ташкилотлари, давлат муассасалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маъмурий бинолари;

истироҳат боғлари;

очик турдаги автотураргоҳлар.

Ушбу гуруҳга муомаласида ёнувчи модда ва материаллар бўлган (шу жумладан, ёнувчи упаковкадаги ёнмайдиган ва (ёки) қийин ёнадиган модда ва материаллар ҳам) барча объектлар ҳам киради.»

3) 5-бандда:

иккинчи хатбоши «объектлар» деган сўздан кейин «(қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган ўта муҳим ва тоифаланган объектлар бундан мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«ёнмайдиган қурилиш материаллари савдоси шохобчалари.».

8. 20-илованинг матнидаги «излар ва ашёвий далиллар» ва «олинган ашёвий далилларнинг ҳаммаси» деган сўзлар тегишли равишда «излар ва далиллар» ва «олинган далилларнинг ҳаммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIIY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI  
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGINING  
QARORI

**156** Akademik litseylarda imtiyozli ovqatlantirishni tashkil qilish hamda xarajatlarini qisman qoplash uchun ota-onalar to‘lovini to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomning 4-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 11-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2993-2*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 11-yanvardagi 8-son “Davlat mulkini ijaraga berish tartibi takomillashtirilishi munosabati bilan Vazirlar Mahkamasining “Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta‘limi muassasalarida sog‘lom ovqatlanishni tashkil etishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2016-yil 2-maydagi 132-son qaroriga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi hamda Moliya vazirligining 2018-yil 27-fevraldagi 3-2018 va 33-son qarori (ro‘yxat raqami 2993, 2018-yil 5-aprel) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 05.04.2018-y., 10/18/2993/1010-son) bilan tasdiqlangan Akademik litseylarda imtiyozli ovqatlantirishni tashkil qilish hamda xarajatlarini qisman qoplash uchun ota-onalar to‘lovini to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomning 4-bandidagi “Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta‘limi muassasalarida sog‘lom ovqatlanishni tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizomda” degan so‘zlar “Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus, kasbiy ta‘lim tashkilotlarida sog‘lom ovqatlanishni tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizomda” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Oliy ta‘lim, fan va  
innovatsiyalar vaziri**

**K. SHARIPOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 27-mart,  
13-q/q-son

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

**D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 17-mart,  
239-son

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 12-aprelda e‘lon qilingan.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining 2025-yil 20-martdagi 01/14-23/35-son “Maydoni 2000 kvadrat metrgacha bo‘lgan bo‘sh turgan davlat ko‘chmas mulk obyektlarini hokim yordamchilarining onlayn-buyurtmanomasiga asosan to‘g‘ridan-to‘g‘ri elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

***2025-yil 7-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3372-1.***

2. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 7-martdagi 237-son “Qayta ishlashga berilgan xom ashyo bilan bog‘liq operatsiyalarni buxgalteriya hisobida aks ettirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

***2025-yil 7-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2086-3.***

3. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 14-martdagi 5-2029/B-son “Ta‘lim muassasalarining o‘quv va o‘quv-ishlab chiqarish ustaxonalari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

***2025-yil 7-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2454-2.***

4. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 6-martdagi 234-son “Bojxona yuk deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

***2025-yil 7-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2773-11.***

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2025 йил 19 мартдаги 2-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2025 йил 15 мартдаги 16-сон, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 17 мартдаги 240-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги қарори.

***2025 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3616.***

6. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 27-martdagi 4-2025/B-son “Temir yo‘l transporti ta‘mirlash tashkilotlari

xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

***2025-yil 9-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2068-3.***

7. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2025 йил 11 мартдаги 1/4/27-393-сон “Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

***2025 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-9.***

8. O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 27-martdagi 13-q/q-son hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 17-martdagi 239-son “Akademik litseylarda imtiyozli ovqatlantirishni tashkil qilish hamda xarajatlarini qisman qoplash uchun ota-onalar to'lovini to'lash tartibi to'g'risidagi nizomning 4-bandiga o'zgartirish kiritish haqida”gi qarori.

***2025-yil 11-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2993-2.***

### **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 27 декабрдаги 36-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 17 декабрдаги 68ққ-сон, Молия вазирлигининг 2022 йил 26 декабрдаги 69-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 3408, 2022 йил 28 декабрь).

***2025 йил 9 апрелдан бошлаб давлат реестридан чиқарилди.***

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2024 йил 29 мартдаги 9-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2024 йил 19 мартдаги 1-сон, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 20 майдаги 116-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 3511, 2024 йил 16 апрель).

***2025 йил 9 апрелдан бошлаб давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**